

Д.А.Зулфиқориева, З.А.Юлдашев

# ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ



Д.А.Зулфқориева, З.А.Юлдашев

**ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ КИМЁ-  
ТОКСИКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ


“КЕЛИШИЛДИ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фанни ривожлантириш бошқармаси бошқармаси Фан ва таълим Бош бошқармаси  
бошлиғи т.ф.д., бошлиғи т.ф.д., проф.



Сидиков А.А.




Исмаилов У.С.

« 16 » 06 2020 й.

« 16 » 06 2020 й.

ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ КИМЁ-  
ТОКСИКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МОНОГРАФИЯ



Тошкент - 2020



**Муаллифлар:** Д.А.Зулфқориева, фармацевтика фанлари номзоди, доцент;  
З.А.Юлдашев, фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:** **А.И. Искандаров**, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Ф.Ф. Урманова**, Тошкент фармацевтика институти Фармакогнозия кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, профессор  
**А.Ф. Дусматов**, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги Фан ва таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, фармацевтика фанлари доктори, доцент.

Мазкур монография Тошкент фармацевтика институти муаммолар ҳайъатининг 2020 йил дағи -сон ва институт Кенгашининг 2020 йил дағи -сон йиғилишларида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

Зулфқориева Д.А., Юлдашев З.А.

“Ўсимликлар билан заҳарланишларни кимё-токсикологик тадқиқотлари” – Т.: ТошФарми, 2020. – 125 б.

Ушбу монографияда Ўзбекистонда ўсувчи баъзи алкалоид сақловчи ўсимликлар, улар таъсирида вужудга келадиган заҳарланиш ҳолатлари ва заҳарланиш белгилари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Алкалоид сақловчи ўсимликлар билан заҳарланганда одамлардан олинган турли объектларда уларнинг асосий таъсир этувчи моддаларини ажратиб олиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ёритилган. Монография фармакогнозия, токсикологик кимё соҳаларидаги мутахассислар ҳамда суд-кимё экспертлари, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган изланувчилар, талабалар ва бошқа мутахассисларга мўлжалланган.

**УЎК 573.6: 615.9**  
**КБК 28.087**

ISBN: 978-9943-6620-6-3

«Тафаккур томчилари» нашриёти, 2020

## Шартли белги ва қисқартмалар

ЮҚХ – юпқа қатлам хроматографияси

ГСХ – газ суюқлик хроматографияси

ЮССХ – юқори самарали суюқлик хроматографияси

ГХ-МС – газ-хромато-масс-спектрометрия

ЮССХ-МС – юқори самарали суюқлик хроматография-масс  
спектрометрия

ФЭК – фотоэлектроколориметрия

УБ-СФ – ультрабинафша спектрофотометрия

ИК – инфрақизил спектрометрия

ТДСИС – термодесорбцион сирт ионлашув спектрометрияси

МДХ – мустикал давлатлар ҳамдўстлиги

## Мундарижа

Сўз боши .....	6
<b>I Заҳарли ўсимликларнинг таъсири бўйича таснифи.....</b>	<b>7</b>
1.1. Ўсимликларнинг заҳарлилиги бўйича таснифи.....	7
1.2. Алкалоид сақловчи баъзи ўсимликларнинг токсикологияси.....	11
<b>II. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи баъзи алкалоид сақловчи ўсимликлар токсикологияси ва улар билан учрайдиган заҳарланиш ҳолатлари.....</b>	<b>14</b>
2.1. Қора мингдевона.....	15
2.2. Доривор белладонна.....	17
2.3. Сассиқ алаф.....	19
2.4. Катта қончўп.....	20
2.5. Яшил шамшод.....	22
2.6. Кампирчопон.....	25
Хулоса.....	28
<b>III. Алкалоидларни турли объектлар таркибидан ажратиб олиш.....</b>	<b>29</b>
3.1. Ўсимликлардан алкалоидларни ажратиб олишда қўлланиладиган усул ва услублар.....	29
3.2. Биосуюқликлардан алкалоидларни ажратиб олишнинг ишлаб чиқилган услублари .....	31
3.3. Биологик объектдан алкалоидларни ажратиб олишнинг ўзига хос томонлари.....	32
Хулоса.....	33
<b>IV Алкалоид сақлаган ўсимликлар билан заҳарланишларни аниқлашда қўлланиладиган таҳлил усуллари.....</b>	<b>33</b>
4.1. Ўсимликларни турли объектлардаги фармакогностик таҳлили	33
4.2. ЮҚХ-скрининг усулида алкалоидларни аниқлаш.....	41
4.3. УБ – спектрофотометрия усулининг алкалоидлар таҳлилида қўлланилиши.....	54
4.4. ГХ-МС усулида алкалоидларни аниқлашнинг замонавий усули	59
4.5. Алкалоидлар таҳлилида ЮССХ усулининг ўрни.....	67
4.6. ТДСИС усули алкалоидларни таҳлил қилишнинг янги усули..	86
Хулоса.....	99
<b>V Ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатларида тез тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари.....</b>	<b>99</b>

5.1.	Антидотлар турлари ва уларни танлаш.....	99
5.2.	Хулосалар.....	102
<b>VI</b>	<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>103</b>
<b>VII</b>	<b>Иловалар.....</b>	<b>107</b>

## Сўз боши

Бугунги кунда дунё флорасининг 10 000 дан ортиқ заҳарли ўсимлик турлари фанга маълум. Бу ер шарида мавжуд ўсимликларнинг 2% ни ташкил қилади. Доривор ўсимликларни безарар деб ҳисоблаган ҳолда уни суистеъмол қилиш, маълум меъёрларга риоя қилмаган ҳолда, билиб-билмай кўллаш оқибатида инсон ва ҳайвонларнинг турли даражада заҳарланиш ҳолатлари кўплаб учраб туради.

Заҳарланишга сабаб бўлган ўсимликни аниқлашда дастлабки таҳлилларни амалга ошириш одамларга биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун доривор ўсимлик таркибидаги кучли таъсир этувчи модданинг хоссаси ва хусусияти, заҳарланиш ҳолатларидаги клиник белгилар, бундай ҳолатларда кўрсатилиши мумкин бўлган тиббий ёрдам ҳақида аниқ маълумотлар тўпланган бир монографиянинг бўлиши мутахассислар учун жуда зарурлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Доривор ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатлари, уларни ўрганишга доир маълумотлар адабиётларда жуда тарқоқ ҳолда бўлиб, мавжудлари ҳам давр талабларига умуман жавоб бермайди. Шундан келиб чиқиб, адабиётлардаги мавжуд маълумотларни жамлаб, уларни таҳлил қилиб, қатор тажрибалар ўтказилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга монография яратишни муаллифлар ўз олдига мақсад қилиб олганлар.

Ушбу монографияда заҳарли ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатлари, заҳарланишнинг клиник кўринишлари ва белгилари ёритилган. Шунингдек, заҳарланиш ҳолатларини кимёвий ва физик-кимёвий услублар ёрдамида тадқиқ қилиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари қиёсий ўрганилган, таҳлил қилинган ва уларга шарҳ берилган. Монографиядан доривор ўсимликларнинг токсикологиясига оид маълумотларни олиш ва улар билан содир бўлган заҳарланишларни кимё-токсикологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Мазкур монография бу соҳада яратилган биринчи тизимга келтирилган илмий изланиш натижаси бўлиб, шубҳасиз, у айрим камчиликлардан холи эмас. Муаллифлар мазкур монография бўйича билдирилган барча фикр-мулоҳаза ва эътирозларни мамнуният билан қабул қиладилар ҳамда уларни монографияни қайта нашр этишда албатта инобатга оладилар.



## I. Заҳарли ўсимликларнинг таъсири бўйича таснифи

### 1.1. Ўсимликларнинг заҳарлилиги бўйича таснифи

Доривор ўсимликларни бир вақтнинг ўзида заҳарли ва аксинча, заҳарлиларини доривор ўсимлик деб ҳисоблаш мумкин. Бу уларнинг таркибидаги асосий таъсир этувчи биологик фаол моддалар ва уларни қандай ҳолатда ҳамда қанча миқдорда қўллашга боғлиқ. Аксарият доривор ўсимликлар таркибида кучли таъсир этувчи моддаларни сақлайди. Баъзи ҳолатларда атроф-муҳитнинг экологик вазияти таъсирида доривор ўсимлик заҳарли ўсимликка айланади (турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга яқин ҳудудларда ҳавонинг радиоактив элементлар, оғир металллар ёки бошқа токсик моддалар билан ифлосланиши оқибатида). Ўсимликларнинг заҳарлилиги эса қуйидаги омилларга боғлиқ:

- заҳарли моддаларнинг ўсимлик қисмларида турлича тақсимланиши;
- ўсимликнинг вегетация жараёнига боғлиқ равишда заҳарли моддаларнинг тўпланиши;
- ёш ўсимликлар кўпроқ миқдорда заҳарли моддалар сақлаши мумкинлиги;
- тупроқ ва иқлим шароитининг ўсимлик таркибидаги моддалар синтезига таъсири;
- кучли заҳарли таъсир этувчи моддалар фақат бир-бирига яқин тур ўсимликларда учраши (мингдевона, бангидевона, белладонна).

Ўсимликлар билан заҳарланиш – инсон организмга ўсимлик таркибидаги кимёвий моддаларнинг токсик миқдорда тушиши ва ҳаётий зарур ички аъзолар фаолиятини издан чиқариши ҳамда шу билан инсон ҳаётига хавф солиш ҳолатидир. Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар муайян дозада дори, кўп миқдорда бўлса токсин, яъни заҳарли таъсирини намоён қилиши мумкин. Бу ҳолат инсоният тараққиётида кўп бора кузатилган ва уни чуқур ўрганишга ҳаракат қилинган. Токсинлар организмда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнларига таъсир қилади, одамнинг ҳаётий фаолиятини, жумладан асаб ва юрак-қон томирлари тизимининг ишини издан чиқаради. Бунинг натижасида инсоннинг ҳолсизланиши ва хатто уни ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. Маълумки, аксарият заҳарли ўсимлик билан заҳарланишда яширин давр кузатилади. Унинг давомийлиги кимёвий модданинг хавфлилик даражасига қараб бир неча дақиқадан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Ўсимликнинг заҳарли моддаларини кичик дозаларда, тўғри қўлланилганда оғриқ қолдирувчи,

тинчлантирувчи, жароҳатларни тузатувчи ва бошқа бир қатор хусусиятларни намоён қилиб, турли инфекциялар, юрак, буйрак ва жигар касалликларига даво бўлади.

Ўзбекистонда ўсадиган 4000 турдан ортиқ ўсимликлардан 577 турдан зиёди ноанъанавий тиббиётда ва халқ табобатида қўлланилади. Улар орасида асосий таъсир этувчи моддаси заҳарли хусусиятга эга қатор ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг хом ашёларини нотўғри ва назоратсиз қўллаш турли даражадаги ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш жараёнида бошқа заҳарли ўсимлик қисмлари кўшилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳам доривор ўсимликнинг сифатига ва унинг фармакологик фаоллигига жиддий таъсир қилади.

Кейинги йилларда фитотерапия тиббиёт амалиётида салмоқли ўрин эгаллаб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири сифатида беморлар тасаввурида ўсимликлардан олинган дори воситалари безарар деган тушунча шаклланишини кўрсатиш мумкин. Бу эса беморларни доривор ўсимликлар хом ашёларини назоратсиз қўллашларига олиб келмоқда. Халқ табобатида ҳам ўсимлик хом ашёларидан кенг қўлланилади. Аммо баъзи “табиблар” ўсимликларнинг хусусиятларини яхши ўрганмаган ҳолда, билиб-билмай қўллаши оқибатида одамларнинг турли даражадаги заҳарланиш ҳолатлари вужудга келмоқда. Ўсимлик билан заҳарланиш асосан улардан нотўғри фойдаланиш ёки кучли таъсир этувчи моддаси бор ўсимликни қўллашда дозасини ошириб юбориш натижасида юзага келиши мумкин.

Заҳарли ўсимликларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- алкалоид сақловчи ўсимликлар,
- юрак гликозидларини сақловчи ўсимликлар,
- органик кислоталар ва бошқа куйдирувчи моддаларни сақловчи ўсимликлар ва ҳақозолар [3,6].

Ўзбекистон ҳудудида дориворлик хусусиятига эга заҳарли ўсимликлар кўп учрайди. Булар ичида алкалоид сақловчи ўсимликлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар ёввойи ҳолда ариқ бўйларида, йўл четларида ва боғ, далаларда экинлар ичида ўсади. Бу ўсимликлар кўриниши жиҳатдан биз доим истеъмом қиладиган оддий кўкатларга ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Шу туфайли одамлар адашиб уларни безарар деб ўйлаган ҳолда истеъмом қилишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Алкалоидлар табиий азот сақловчи мураккаб органик бирикмалар бўлиб, уларнинг баъзилари ўз тузилишида кислород сақламайди. Кислород сақловчи алкалоидлар кристалл ёки аморф ҳолатда бўлади (морфин, кокаин,

атропин, скополамин). Тузилишида кислород сақламайдиганлари эса мойсимон суюқлик бўлиб, улар учувчи алкалоидлардир (кониин, никотин, анабазин). Алкалоидлар аксарият ишқорий муҳитга эга ва бунда улар асос ҳолатида бўладилар ёки кислоталар билан тузлар ҳосил қиладилар. Асос ҳолатда алкалоидлар органик эритувчиларда осон, сув ва спиртда қийин эрийди. Уларнинг тузлари эса, аксинча, сув ва спиртда яхши эрийди. Ўсимликлар таркибида алкалоидлар асосан турли органик кислоталар (олма, лимон, оксалат, қаҳрабо кислоталари)нинг тузлари ҳолатида учрайди. Баъзи алкалоидлар кремневольфрам, фосфорвольфрам кислоталари, шунингдек, танин билан қийин эрувчан ва шунинг учун ҳам қийин сўрилувчи чўкмаларни беради. Уларнинг бу хусусиятидан алкалоидлар билан захарланишни даволашда фойдаланиш мумкин.

Алкалоидлар ўсимликларда глюкоалколоид ҳолатида бўлиши ҳам мумкин. Агликон сифатида алкалоид, қанд қисмида бирор бир углевод бўлади. Алоҳида эътиборга соланин глюкоалколоидлари эга. Улар таркибида агликон сифатида соланидин алкалоиди ва углеводларни сақлайди.

Масалан, картошка таркибидаги соланинни парчаланиши натижасида соланидин алкалоиди ва уч қисм қанд: глюкоза, рамноза ва галактозанни ҳосил қилади. Соланинлар асосан Solanaceae (картошка) ва Lycopersicum (помидор) оиласига мансуб ўсимликлар таркибида учрайди. Бу алкалоидлар ҳам одамларни захарланишларига сабаб бўлган.

Алкалоид сақловчи ўсимликлар одам ва ҳайвон марказий асаб тизимини зарарлаб, кўзғалувчанликни оширади, сўнгра сусайтиради, силлик мушакларга спазмолитик таъсир кўрсатиб, юрак, ошқозон, буйраклар ва жигар ишига салбий таъсир қилади. Бундай ўсимликлар юрак фаолиятининг бузилишига олиб келиб, нафас олишни қийинлаштиради, галлюцинациялар чақиради ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Захарли ўсимликларнинг таъсир этувчи моддаларидан яна бири юрак гликозидларидир. Юрак гликозидлари сақловчи ўсимликлар юрак-қон томир тизимига фалажловчи таъсир кўрсатиш билан бирга ошқозон-ичак ва марказий асаб тизимининг фаолиятига таъсир қилади. Глюкозидларнинг структурасининг ўзига хослиги шундаки, улар осонлик билан таркибий қисмларга: углевод (қанд) қисми ва бир ёки бир неча қисм бошқа моддалар аглюконларга парчаланаяди. Углевод қисмини асосан глюкоза, рамноза, галактоза ташкил қилади. Аглюкон қисми эса таркиби ва хусусияти бўйича турли бўлиши мумкин. Глюкозидларнинг захарлилиги ана шу аглюкон қисмига боғлиқ. Кимёвий таркиби бўйича аглюконларни қуйидаги гуруҳларга тақсимлаш мумкин:

- таркибида азот сақламайдиган аглюконлар. Бу гуруҳ глюкозидлари билан заҳарланиш, асосан, ангишвонагул, марваридгул, эризимум, олеандр каби ўсимликлар билан юз беради;

- таркибида азот сақловчи аглюконлар (нитрилглюкозидлар, цианглюкозидлар). Бу гуруҳ глюкозидлари муҳим токсикологик аҳамиятга эга, чунки парчаланиши натижасида цианид кислотасини ҳосил қилади;

- таркибида азот ва олтингугурт сақловчи аглюконлар (тиоглюкозидлар, хантал глюкозидлар, парчаланиш натижасида хантал мойи ҳосил бўлади (горчичные масла));

- глюкозидларнинг алоҳида гуруҳини сапонинлар ташкил қилади (сапонин-глюкозидлар). Уларнинг кўпчилиги азот сақламайди ва аморф хоссага эга. Сапонинлар парчаланганда қанд ва қанд бўлмаган қисм – сапогенин ҳосил қилади. Заҳарли хусусиятга эга сапонинлар сапотоксинлар дейилади.

Бундан ташқари заҳарли ўсимликларда одатда органик кислоталар сақланади. Булардан токсикологик аҳамиятга эга бўлганлари:

- *цианид кислотаси* – баъзи бир ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар таркибида цианоген глюкозидларнинг ферментатив парчаланиши натижасида ҳосил бўлади (оқбош себарга, йўнғичқа беда, маккажўхори, кано);

- *оксалат кислотаси* – шовул турларида кўп учрайди;

- *эффорбин кислота ангидриди* – Эуфорбиянинг (Euphorbia) сут шираси асосини ташкил қилади. Терига куйдирувчи таъсир кўрсатади;

- *лактонлар* – гамма-оксикислоталарнинг ангидриди бўлган органик бирикмалар (аччиқ шувок);

- *токсальбуминлар* – оқсил хусусиятли кучли физиологик таъсирга эга бўлган фитотоксинлар (канакунжут таркибидаги рицин алкалоиди).

Шунингдек, кўпчилик ўсимликлар эфир мойлари сақлайди. Шу сабабли улар тери ёки оғиз бўшлиғига тушганда куйдирувчи таъсир кўрсатиши, баъзи ҳолларда аллергия чақириши мумкин.


Ҳар қандай заҳарли ўсимликни шартли равишда заҳарли дейиш мумкин. Ўсимликларнинг ишлаб чиқарадиган заҳарли биологик фаол моддалари турлар ўртасида содир бўладиган аллеокимёвий жараёнларда иштирок этувчи кимёвий омиллар қаторига киради. Бу ўсимлик учун ўзига яраша химоя воситаси сифатида хизмат қилади. Аллеокимёвий жараёнларда иштирок этувчи ва шу организм учун қайсидир маънода фойда келтирувчи моддалар алломонлар дейилади. Алломонларга қуйидагилар киради: 1) кўрқитувчи моддалар; 2) ниқобловчи моддалар; 3) антибиотиклар; 4)

захарлар; 5) индукторлар; 6) зиддизахарлар; 7) қопқонлар. Булар қаторига ўсимликлар ишлаб чиқарадиган захарлар – фитотоксинлар ҳам киради [19,29].

### ***1.2. Алкалоид сақловчи баъзи ўсимликларнинг токсикологияси***

Бу бўлимда кенг тарқалган алкалоид сақловчи айрим ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Захарли цикута – *Cicuta virosa* L. барча қисмлари захарли таъсир кўрсатади. Таркибида цикутотоксин алкалоидини сақлайди (1.1-расм). Организмга тушгач, 15-20 дақиқадан сўнг ошқозон соҳасида кучли оғриқлар, кўнгил айнаши, бош айланиши, тутқаноқ тутиш ҳолатлари кузатилади. Кўз қорачиғи бироз кенгайиб, нафас олиш қийинлашади. Цианоз юз беради ва юрак етишмовчилиги оқибатида нафас фалажланиши туфайли 2-3 соат ичида ўлим ҳолати юз беради [29,31].



**1.1-расм. Захарли цикута (*Cicuta virosa* L.)**

Аконит – *Aconitum napellus* L. барча қисмлари, айниқса гуллаш даврида захарли. Бу ўсимликнинг турлари кўп бўлиб, барчаси таркибида захарли таъсир этувчи аконитин алкалоидини сақлайди (1.2-расм). Ўсимлик қисмларидан алкоголизмга қарши йиғма тайёрлашда фойдаланилганлиги сабабли улар билан захарланиш ҳолатлари учраган. Одам захарланганда кўп миқдорда сўлак ажралиши, ошқозон соҳасида деворларининг қирилишига ўхшаш кучли оғриқ, нафас олишнинг қийинлашуви, титроқ кузатилади. Тахикардия ва брадикардиянинг тез-тез алмашинуви оқибатида юрак уриши бирдан тўхтаб қолиши ва бу ўлимга олиб келиши мумкин [23].



**1.2-расм. Аконит (*Aconitum napellus* L.)**

Исфарак – *Delphinium* L. бир йиллик ўсимлик бўлиб, таркибида дитерпен алкалоидлар сақлайди (1.3-расм). Таъсири аконит ўсимлигига ўхшаш. Кучли қўзғалувчанлик, чанқоқ ҳолати, нафас олишнинг тезлашиши, кўп миқдорда сўлак ажралиши, рефлексларнинг йўқолиши, титроқ каби белгилар кузатилади. Нафас етишмовчилиги оқибатида ўлим юз беради [44].




**1.3-расм. Исфарак (*Delphinium* L.)**

Кузги Савринжон – *Colchicum autumnale* L.) кўп йиллик ўсимлик (1.4-расм).

Уруғларида колхицин, пиёзчасида колхимин алкалоидларини сақлайди. Колхицин колхиминга нисбатан 9 марта кучлироқ заҳарли таъсирга эга бўлиб, уни “капилляр заҳар” деб аташади. Заҳарланганда юрак пульсининг




тезлашуви, нафас олишнинг қийинлашуви, умумий ҳолсизланиш, ичаклар перистальтикасининг кучайиши кузатилади [44,49].



**1.4-расм. Кузги Савринжон (*Colchicum autumnale* L.)**


Маралқулоқ – *Veratrum lobelianum* L. кўп йиллик ўт ўсимлик (1.5-расм). Таркибида вератрин алкалоидини сақлайди. Заҳарланиш юз берганда кўз қорачиғининг кенгайиши, диарея, ичак перистальтикасининг тезлашуви, тўхтовсиз қайт қилиш, тана ҳароратининг тушиши, юрак уришининг секинлашуви кузатилади. Нафас етишмовчилиги оқибатида ўлим юз беради [44,49].



**1.5-расм. Маралқулоқ (*Veratrum lobelianum* L.)**

Туяқорин – *Heliotropium lasiocarpum* L. бир йиллик ўсимлик. Гелиотрин ва лазиокарпин алкалоидларини сақлайди (1.6-расм). Бугдойзорларда ёввойи

ўт сифатида ўсиб, уруғи буғдой ўримида аралашиб қолиши оқибатида заҳарланиш юзага келиши мумкин. Заҳарланиши белгилари сариқ касалига ўхшаш кечади. Дармонсизлик, иштаҳа йўқолиши, ўт пуфагида ўзгаришлар кузатилади [29,32].



**1.6-расм. Туяқорин (*Heliotropium lasiocarpum* L.)**

## **II. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи баъзи алкалоид сақловчи ўсимликлар токсикологияси ва улар билан учрайдиган заҳарланиш ҳолатлари**

Доривор ўсимликлар қадимдан инсониятни ўзига жалб қилиб келган. Одамлар улардан аввал озиқ-овқат сифатида, кейинчалик таъсирини билгач, баъзиларидан турли касалликларни даволаш мақсадида фойдаланганлар. Натижада аста-секин ўсимликларнинг хусусиятлари ўрганила бошланган. Буюк аллома Абу Али Ибн Сино Марказий Осиё ҳудудида ўсувчи деярли барча ўсимликларни ўрганиб, уларнинг фойдали ва зарарли томонларини аниқлаган. Бу ҳақда “Тиб қонунлари” асарида батафсил баён этган. Асарда бугунги кунда ҳам тиббиётда қўлланилиб келаётган заҳарли таъсир этувчи модда сақлаган доривор ўсимликларнинг инсон организмга қандай таъсир этиши ҳамда бундай ҳолларда қандай ёрдам кўрсатиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Энг кўп заҳарланишга сабаб бўладиган ўсимликлар – таркибида алкалоид ва гликозидлар сақлайдиганларидир. Улар билан заҳарланиш ҳолатларидаги умумийлик инкубацион даврнинг қисқалигида намоён бўлади (0,5-1 соат). Заҳарланиш даражаси эса организмнинг умумий ҳолати ва унга тушган заҳарли модданинг миқдorigа боғлиқ. Баъзи ҳолларда эса ўсимликнинг ўсаётган иқлим шароити ва қўлланиш даврига ҳам боғлиқ.

Қуйида Ўзбекистонда ўсадиган ва заҳарланишга сабаб бўладиган алкалоид сақловчи баъзи ўсимликларнинг токсикологияси келтирилган. Заҳарланиш ҳолатлари юз берганда алоҳида патолого-анатомик белгилари бўлмаган ҳолларда баъзи заҳарланиш аломатлари ва ўсимликнинг ташқи кўриниши, фармакогностик таҳлил, унинг таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларини тезкор усулларда аниқлаш каби маълумотлар дастлабки шошилиш тиббий ёрдам бериш учун аҳамиятли бўлиши мумкин. Ушбу ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатлари кўп учрайди. Бироқ уларнинг белгиларини ва таҳлил усуллари ҳақида маълумотлар адабиётларда тарқоқ ҳолда бўлгани туфайли улардан фойдаланишда қийинчилик туғдиради.

## 2.1. ҚОРА МИНГДЕВОНА


Қора мингдевона (*Hyoscyamus niger* L.) икки йиллик сертук, бадбўй ўт ўсимлик бўлиб, итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб (2.1-расм). Доривор хом ашё сифатида гуллаш даврида йиғилган барглари (*Folia Hyoscyami*) ва мева туғиш даврида ер устки қисми (*Herba Hyoscyami*) ишлатилади. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ – тухумсимон, чуқур патсимон бўлакли бўлади. Иккинчи йили поя ўсиб чиқади. Пояси шохланган, бўйи 50-150 см га етади. Поядаги барглари илдизолди баргларига нисбатан юмалоқроқ ва майдароқ, умумий кўриниши тухумсимон, поянинг пастки қисмдагилари 5-7 бўлакли, ўрта қисмдагилари 3 бўлакли, юқори қисмдагилари эса 1-2 та бўлакли қирқилган бўлиб, йирик безли туклар билан қопланган, шу сабабли улар юмшоқ, ёпишқоқ бўлади, поя учидаги барг кўлтиқларига жойлашган гуллари қийшиқроқ бўлиб, бурма тўпгулни ташкил этади. Гуллари очилгандан сўнг, гул ўқи чўзилиб кетади. Гулкочаси кўзачасимон, бирлашган 5 тишли (тиши тўғри ва ўткир учли) ва сертук бўлиб, мева билан бирга қолади. Гултожиси кенг воронкасимон, 5 бўлакли, бирлашган, хира сариқ, томирлари ва гултожилари бирлашган ери тўқ бинафша рангга бўялган. Оталиги 5 та, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси – кўзачасимон, икки хонали, кўп уруғли, қопқоғи билан очиладиган кўсакча. Уруғи майда, юмалоқ ёки буйраксимон, ясси, устки томонида жуда кўп майда чуқурчалари бўлади [6,11].






2.1-расм. Қора мингдевона (*Hyoscyamus niger* L.)

**Кимёвий таркиби.** Ўсимликнинг илдизида 0,15-0,18% миқдорда, баргида 0,1% гача, поясида 0,02%, уруғида 0,06-0,1% алкалоидлар сақланади. Асосий алкалоидлари атропин, гиосциамин, скополамин.



*Атропин (Гиосциамин)*



*Скополамин*

**Ишлатилиши.** Барги, “астматол” ва “астматин” каби дори воситалари таркибига киради. Мингдевона мойи – *Oleum Hyoscyami* оғриқ қолдирувчи сифатида қўлланилади.

**Заҳарланиш аломатлари** атропин учун жуда характерлидир, чунончи аввал асаб тизими кўзғалиши кузатилиб, бемор талвасаланади, ҳаракатчанлик, беихтиёр гапириш ва кўп кулиш рўй беради. Бундан кейин парасимпатик асаб толалари охирлари фалажланиб, кўз қорачиғи кенгаяди, бурунда қуриш, ухлаганда хуррак отиш, терини қуриши ва қизиши

кузатилади. Мингдевона алкалоидлари силлиқ мушакларга спазмолитик таъсир кўрсатади, кўз ички босимини оширади, марказий асаб тизимига турлича таъсир кўрсатади, гиосциамин кўзғалувчанликни оширса, скополамин сусайтиради.

Ўсимлик гуллаш даврида, айниқса, жуда заҳарли ҳисобланади. Унинг юмалоқ шаклдаги қора уруғлари болалар эътиборини жалб қилади. Мингдевона билан енгил заҳарланиш ҳолатларида оғиз бўшлиғининг қуриши, нутқнинг бузилиши, ютишнинг қийинлашуви, кўз қорачиғининг кенгайиши, терининг қизариши ва қуриши, кўзғалувчанлик ва галлюцинация, юракнинг аввал тез уриб, кейин секинлашиши кузатилади. Кучли заҳарланиш ҳолатида эса бола ҳароратининг сезиларли даражада кўтарилиши, ҳаракат (ориентация)нинг бузилиши, хатто ҳушидан кетиши мумкин. Тери кўкариб, тиришиш (тутқаноқ) содир бўлади. Бош миёда жойлашган нафас олиш марказининг фалажланиши натижасида ўлим ҳолати юз бериши мумкин.

Атропинни ҳалок қилувчи миқдори 0,1-0,15 г ташкил қилади. Ўлим содир бўлганда патолого-анатомик текшириш характерли эмас [33].

## **2.2. ДОРИВОР БЕЛЛАДОННА**

Доривор белладонна - *Atropa belladonna* L. итузумдошлар - Solanaceae оиласига киради. Белладонна кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 2 м га етади (2.2-расм). Илдизпояси кўп бошли, илдизи эса йўғон ва сершоҳ бўлади. Пояси тик ўсувчи битта, баъзан бир нечта, йўғон, яшил рангли, пастки қисми шохланмаган, юқори қисмида эса 3 та шох ҳосил бўлиб, улар ўз навбатида айрисимон жойлашган тўп шохчалар чиқаради. Барги оддий, тўқ яшил, пояда баргларнинг биттаси доим йирик бўлади. Йирик барглари эллипссимон, майдалари эса тухумсимон. Гуллари барг қўлтиғида осилган ҳолда якка ёки жуфт бўлиб жойлашган. Гул косачаси беш тишли, цилиндрсимон-қўнғироқсимон, мева билан бирга қолади, гултожиси беш бўлакли, бирлашган, қўнғироқсимон, учки қисми бинафша рангга, асос қисми эса сариқ-қўнғир рангга бўялган. Оталиги 5 та, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси – бинафша-қора рангли, ялтироқ, икки хонали, бир оз ясси, кўп уруғли, нордон ширин мазали ҳўл мева. Уруғи буйраксимон, қўнғир рангли бўлиб, устки томонида чуқурчалари бор.

Доривор белладонна ўсимлиги поясининг юқори қисми безли туклар билан қопланган, тожбарги тўқроқ рангда бўлади [11,29].



2-2-расм. Доривор белладонна - *Atropa belladonna* L.

**Кимёвий таркиби.** Алкалоидлар (тропан гуруҳига оид) белладонна баргида 0,7%, илдизида эса 1,3% бўлади. Асосий алкалоиди гиосциамин бўлиб, ундан ташқари скополамин ва бошқа алкалоидлар, ҳамда кумарин гликозид – метилэскулетин учрайди.

**Ишлатилиши.** Белладонна препаратлари ошқозон-ичак касалликларида оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилади. Барги антиасматик препаратлар (астматол, астматин) таркибига кириб, бронхиал астма касаллигида ишлатилади.

Илдизи эса “карбелла” таблеткаси таркибига кириб, Паркинсон касаллигида қўлланилади.

Скополамин алкалоиди “аэрон” таблеткаси таркибига кириб денгиз касаллигида ишлатилади.


**Заҳарланиш аломатлари.** Ушбу ўсимликнинг асосий хавфли қисми қора-бинафша рангдаги ялтироқ мевалари. Болалар уни итузум ёки қора олча деб ўйлаб, кўп миқдорда еб қўйишади ва заҳарланишади. Баъзи катта ёшдаги токсикоманлар эса унинг галлюцинация чақирувчи хусусиятини билиб, атайлаб “осмонда учувчи ҳиссиётни” ҳосил қилиш учун истеъмол қилишади. Ушбу ўсимлик ҳам атропин, гиосциамин ва скополамин алкалоидларини сақлайди ва юқорида келтирилган мингдеводнадаги каби заҳарланиш ҳолатларини юзага келтиради. Кучли бош айланиши, кўнгил айниши ва оғиздан кўпик келиш ҳолатлари кузатилади. Кучли заҳарланиш ҳолатида тана ҳароратининг сезиларли даражада кўтарилиши, ҳаракатнинг бузилиши,



хатто ҳушидан кетиши мумкин. Тери кўкариб, тиришиш (тутканок) содир бўлади. Бош мияда жойлашган нафас олиш марказининг тормозланиши натижасида ўлим ҳолати юз бериши мумкин [43].

### 2.3. САССИҚ АЛАФ


**Сассиқ алаф** – *Conium maculatum* L. сельдердошлар оиласига мансуб икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тикка ўсиб, шохланади, поясининг ичи ғовак бўлиб, пастки қисмида қизил-кўнғир доғлари бор (2.3-расм). Барглари патсимон, гуллари сарғиш-оқ рангда бўлиб, қалқонсимон тўпгулларни ҳосил қилади. Июнь-июль ойларида гуллайди. Ташландиқ жойларда, ариқ бўйларида, йўлларнинг четида ўсади. Гуллаш даврида ер устки қисми йиғиб олинади ва оғриқ қолдирувчи, қон тўхтатувчи, тутканокқа қарши восита сифатида қўлланилади. Табиблар ўсимликнинг тиндирмасидан сут безлари саратони ва бачадон миомасини даволашда фойдаланишади. Шунингдек, унинг настойкаси спастик йўтални тўхтатишда, ошқозон-ичак тизимидаги кучли оғриқлар, қабзият ҳамда камқонликда қўлланилади. Қадимги греклар ушбу ўсимликни кўринишидан беозор, лекин аслида кобра каби хавфли ўсимлик деб таърифлашган. Адабиётларда келтирилишича, Сукрот айнан шу ўсимликдан захарланган. Ўсимликдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида, шунингдек ғовак поясидан ҳуштак ясайман деб болаларнинг захарланиши кўп учрайди [25].




2.3-расм. Сассиқ алаф – (*Conium maculatum* L.)

**Кимёвий таркиби:** Сассик алаф ўсимлигининг меваси таркибида 2% гача алкалоидлар сақлайди, улардан асосийлари кониин, метилкониин, конгидрин, псевдоконгидрин ҳисобланади. Бундан ташқари мойлар, петрозелин глицериди ва петрозелидин кислота; баргида эса 0,1% гача алкалоидлар, 0,08% гача эфир мойи ва кофеин кислотаси ҳам учрайди. Ўсимлик гулидан кверцетин ва кемпферол ҳам ажратиб олинган. Ўсимлик табиқидаги алкалоидларнинг 50% ни кониин ташкил этади [19,25].

### Кониин



### Колхицин



**Заҳарланиш аломатлари.** Заҳарланиш юз берганда марказий асаб тизимининг кўзгалувчанлиги ошади, М-холинорецепторлар блокадаси юз беради. 1,5-2 соат ичида заҳарланиш аломатлари юзага келади. Бунда кўп миқдорда сўлак ажралиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, қорин соҳасида кучли оғриқ, кўз қорачиғининг кенгайиши, тахикардия, ютишнинг қийинлашуви, оёқ ва қўлларнинг фалажланиши кузатилади [22].

Заҳарланиш белгилари баъзида никотин билан заҳарланиш каби кечади. Дастлабки аломатлари фикрлаш қобилиятининг сустлашуви, уйқучанлик, қайт қилиш, нафас олишнинг қийинлашуви билан намоён бўлади. Ўлим ҳолати жуда тез (2-3 соат ичида) содир бўлади. Бу асосан кониин таъсирида бўлиб, унинг учун  $LD_{50}=100-300$  мг/кг ташкил этади [43,44,54].


## 2.4. КАТТА ҚОНЧЎП

Катта қончўп – *Chelidonium majus* L. Papaveraceae – кўкноридошлар оиласига мансуб. Чистотель номи билан барчага таниш яна бир алкалоид сақловчи ўсимлик – катта қончўп бўлиб, халқ табобатида сўгал ва қадоқларни йўқотишда қўлланилади. Бу ўсимлик ҳамма қисмида тўқ сариқ сут – шира сақлайди. Унинг асосида тайёрланган паста тери силини даволашда, ўсимлик дамламаси эса жигар ва ўт пуфаги касалликларида ишлатилади. Қончўпнинг алкалоидлари ўз таъсирига кўра кўкнорига ўхшайди [11].




2.4-расм. Катта қончўп (*Chelidonium majus* L.)

**Кимёвий таркиби:** Ўсимликнинг ҳамма қисмлари алкалоид сақлайди; ер устки қисмида 0,97-1,87%, илдизида эса 1,9-4,14% миқдорда алкалоидлар аниқланган. Ўсимлик таркибида алкалоидлардан хелидонин  $C_{20}H_{19}O_5N$  гомохелидонин  $C_{21}H_{23}O_5N$ , хелеритрин  $C_{21}H_{19}O_5N$ , метоксихелидонин  $C_{21}H_{21}O_6N$ , оксихелидонин  $C_{20}H_{17}O_6N$ , сангвинарин  $C_{20}H_{15}O_5N$  ва бошқалар учрайди.



Хелидонин  $C_{20}H_{19}O_5N$



Сангвинарин  $C_{20}H_{15}O_5N$  ва Хелеритрин  $C_{21}H_{19}O_5N$

Бундан ташқари эфир мойлари, аскорбин кислотаси (171 мг/%), витамин А (14,9 мг/%), органик кислоталар (хелидон, олма, лимон ва қахрабо кислоталар), флавоноидлар ва сапонинлар; уруғида эса 40-68% гача мой бўлади [10,20].

**Заҳарланиш аломатлари.** Ўсимлик таркибидаги хелидонин ва  $\alpha$ -гомохелидонин алкалоидлари марказий асаб тизими ва силлиқ мушакларни фалажлайди.  $\beta$ -гомохелидонин сезги асаб толалари охирини фалажловчи таъсир кўрсатади. Хелиритрин марказий асаб, юрак, нафас олиш тизимларини фалажлаш билан бирга, маҳаллий яллиғланишни чақиради. Сангвинарин таянч аъзоларига таъсир этиб, тетаник тиришишни келтириб чиқаради. Заҳарланиш натижасида кучли ич кетиш, умумий ҳолсизлик, нафас олиш ва пульснинг секинлашуви, ҳаракатнинг бузилиши кузатилади. Ўлим ҳоллари юз берганда мурдани ёриб кўрилса, ошқозон ва ичаклар шиллиқ каватининг кучли яллиғланиши ҳолатларини кўриш мумкин [20,27].

## 2.5. Яшил шамшод

Яшил шамшод – *Buxus sempervirens* ўсимлиги шамшоддошлар (*Buxaceae*) оиласига мансуб бўлиб, бу оилага 5 туркум ва 80 га яқин турлар киради (2.5-расм). Бу оиланинг шамшод (*Buxus*) туркумини халқ хўжалигида аҳамияти катта бўлиб, 50 га яқин турни ўз ичига олади. Шамшодлар ўзларининг ташқи кўриниши билан бир-биридан ажралиб турадилар. Кўпчилик шамшодлар унча баланд бўлмаган доим яшил дарахтлар ва буталардан иборат. Барглари оддий, четлари текис ёки тишсимон, ялтироқ, тўқ яшил майда қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган. Меваси кутичасимон бўлиб, пишиб етилган мевалари ёрилади ва ичидан қора ялтироқ уруғлар отилиб чиқади. Шамшод туркумининг кўкаламзорлаштириш учун энг қимматли тури оддий ёки доим яшил шамшод (*Buxus sempervirens*) бўлиб, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Шамшод секин ўсиши билан ажралиб туради, 100 ёшида бор йўғи 10 м гача ўсиши мумкин. Шох-шаббаси зич бўлиб, 800 йилгача яшаши мумкин. Танасининг эни 50 смдан ошмайди. Оҳакли тупроқларда яхши ўсади,  $-20-22^{\circ}\text{C}$  совуқларга бемалол чидади. Шамшод турлари сояга чидамли бўлиши билан бир қаторда ёруғлик кўп тушадиган ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроққа талабчан эмас, қоялар орасида, куруқ тупроқларда ҳам ўсаверади. Шамшод ҳаво намлигига талабчан. Шамшод баргларида алкалоидлардан кумаринлар, флавоноидлар ва ошловчи моддалар борлиги аниқланган. Шамшод дарахти пўстлоғи, барглари халқ табобатида ошқозон-ичак тизимининг ишини



яхшиловчи, турли зарарли патоген микроорганизмларни ўсишини тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Лекин шамшоднинг ҳўл новдалари захарли ҳисобланади. Шамшод дарахтининг ёғочлари юқори баҳоланади, ҳар хил тўқимачилик асбоблари ва қутичалар тайёрланади. Ёғоч қипиқлари тошларни, шишаларни силлиқлашда ишлатилади. Бу ўсимликни Марказий Осиёга кириб келганига 100 йилдан ошди. Шамшод Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилмоқда. Уни турли композицияларда – гуруҳ-гуруҳ, жонли девор шаклида, катта гул тувакларда экилса, уларнинг манзарали хусусиятлари кескин ортади. Шамшоднинг асосий манзарали хусусияти – унинг доим яшил барглари ҳисобланади. МДХда бу турдан ташқари колхида шамшод дарахти (*Buxus colchica*) ва гиркан шамшод дарахти (*Buxus hircana*) турлари ҳам тарқалган. Шамшод турлари ушбу ҳудудларда қорақайин аралаш ўрмонларда кўпроқ учрайди [3,6].



**2.5-расм. Яшил шамшод (*Buxus sempervirens*)**

Яшил шамшод март-апрель ойларида гуллайди. Гуллари бир уйли бир жинсли сарғиш-яшил рангда бўлиб, барглар орасига тўп бўлиб жойлашган.

Шамшоднинг барча қисмида алкалоидлар мавжудлиги аниқланган. Булар циклокореанин В, буксин, парабуксин, буксипин ва циклобуксин. Бундан ташқари ўсимлик смолалар, биофлаваноидлар ва ошловчи моддалар сақлайди.

Ўсимликнинг захарлилиги туфайли расмий тиббиётда ишлатилмайди, бироқ табобатда унинг баргларидан тайёрланган дамламалар ҳарорат юқори

бўлганда, ўт пуфаги ва пешоб йўллари яллиғланишида иситма туширувчи, гипотензив, антибактериал, ўт ва пешоб хайдовчи сифатида қўлланилади. Хитой табиблари шамшоддан тайёрланган препаратларни юрак ишемияси ва артритда кучли оғриқ қолдирувчи сифатида фойдаланишади. Гомеопатлар ўсимлик дамламасини гижжа касалликларида қўллашади. Шунингдек, ревматизмда бўғимларга ўсимлик дамламасидан компресс қилишади. Лекин эҳтиётсизлик оқибатида захарланиш вужудга келади.

**Захарланиш белгилари:** қайт қилиш, диарея, тери гиперемияси, қўл ва оёқ учларининг увишиб, бўшашиш ҳолати, аввал енгил титроқ, сўнгра тутқаноқ тутиши ва нафас олишнинг қийинлашуви кузатилади. Агар 12-24 соат ичида зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нафас олиш марказининг фалажланиши оқибатида ўлим ҳолати қайд этилади. Бунда симпатик асаб тизимининг қўзғалувчанлиги ортади. Қон босими одатда захарланишнинг бошланғич даврида кўтарилади, сўнгра эса коллапс ҳолатигача тушади. Тахикардия вужудга келади ва баъзи ҳолларда галлюцинация ҳолати содир бўлади.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистон Республикаси Ўсимлик моддалари кимёси институтининг бир гуруҳ олимлар (Ходжаев Б.В., Юнусов С.Ю., Шакиров Р., Арипов Х.Н.) томонидан яшил шамшод ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар ўрганилиб, уларнинг стероид алкалоидлар гуруҳига мансуб эканлиги аниқланган. Ўсимликдан буксин, циклобуксин каби алкалоидлар ажратиб олиниб, уларнинг структура тузилиши ўрганилган [3,6].

Шамшод таркибидаги стероид алкалоидларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) циклобуксинлар
- 2) буксокумаринлар.

Ҳар бир гуруҳга кирувчи алкалоидларнинг структура тузилиши ва ўсимликда уларнинг сақланиши бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Яшил шамшод ўсимлиги таркибидаги стероид алкалоидларни идентификациялаш жараёнида ИК-спектрометрия, масс-спектрометрия, УБ-спектрофотометрия, ЮҚХ усуллари қўлланилган. Ушбу таҳлил усуллари ўсимликдан тоза кристалл ҳолида ажратиб олинган намуналар учун қўлланилган бўлиб, бунда стероид алкалоидлар учун мавжуд бўлган умумий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Ўсимликдан ажратиб олинган буксиннинг спиртдаги эритмаси 227 нм тўлқин узунлигида максимум нур ютади.



Канаданинг Манитоба шаҳридаги бир гуруҳ олимлар ўсимлик таркибидаги алкалоидларни алоҳида ажратиб олиш учун колонка хроматография усулини қўллашган. Бунда силикагел билан тўлдирилган колонка орқали ўсимлик экстракти ўтказилиб, аввал гексан-этилацетат, сўнгра этилацетат-метанол аралашмаси билан ювилган. Бунда 180 та фракция ажратиб олинган. Ҳар бир фракция ЮҚХ усулида текширилган. Гексан-этилацетат (90:10) аралашмаси ёрдамида элюация қилинганда 65% алкалоидларни тозалаб олишга эришилган. Бундан ташқари улар билан бир қаторда Эрон олимлари томонидан шамшоднинг гиркан шамшод (*Vixus hirsana*) тури ўрганилган бўлиб, унинг таҳлилида суюқлик хроматографияси масс-спектрометрия усули қўлланилган. Лекин улар асосан циклобуксин катори алкалоидларини ўрганишган [60].

## 2.6. Кампирчопон



Кампирчопон – *Trixodesma inkanum* L. – гавзабонгулдошлар (*Boraginaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик заҳарли ўсимлик бўлиб, донли ва бошқа маданий экинлар орасида ўсади (2.6-расм). Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида кенг тарқалган, асосан тоғли туманларда ўсади. Илдизи бақувват, пояси бироз юқорига кўтарилиб ёки ёйилиб ўсади. Пастки қисми ёғочланиб кетади, шохланган, тук билан қалин қопланган. Кейинроқ туки тўкилиб кетади, тупининг юқори қисми жуда сертук, бўйи 30-60, баъзан 100 см га етади. Сербарг бўлиб, барглари бандсиз, четлари текис, шакли узунчоқ тухумсимон, узунчоқ ланцетсимон. Учи ўткир, олди ва орқа томони тук билан қопланган. Тўпгули рўвак, гулёнбаргчалари тук билан қопланган. Тожбарглarning диаметри 2-2,5 см, гуллаш даврида найчаси оқ, пояси хаворанг бўлиб, кейинроқ гул найчаси пушти рангга киради. Меваси бир-бирига ёпишган 4 та ёнғоқчага ўхшайди, пишганда ажралиб кетади. Апрель ойларида униб чиқади, май ойида гуллайди, июндан то кузгача мева тугади. Профессор Х.З.Ибрагимовнинг маълумотларига кўра дон маҳсулотлари 3 % гача кампирчопон дони билан ифлосланиши мумкин. Яъни 1 га экин майдонида ўртача 450 - 4000 дона кампирчопон ўсимлигининг ўсиши аниқланган [3,6].

Кампирчопон уруғининг таркибида триходесмин, инканин, инканин N-оксиди алкалоидлари бўлади ва бу алкалоидлар қуруқ модданинг 3 % гачасини ташкил этади. Вегетатив қисмлари эса 1 % гача алкалоидлар сақлайди. Бу алкалоидлар асаб ва қон томирларга таъсир этувчи ва кумулятив хусусиятга эга.





2.6-расм. Кампирчопон (*Trixodesma inkanum* L.)

Заҳарланиш ҳайвонларнинг 0,01 дан 0,05 % гача кампирчопон уруғлари билан ифлосланган донли озуқаларни ёки 1 % гача ва ундан юқори даражада унинг вегетатив қисмлари билан ифлосланганда ғалла хашакларни 1-3 ой давомида истеъмол қилиши оқибатида пайдо бўлади [11].



Триходесмин



Инканин

**Заҳарланиш белгилари.** Кампирчопон алкалоидлари ҳазм йўли шиллиқ пардасига маҳаллий таъсир кўрсатиб катарал-геморрагик гастроэнтерит чақиради. Қонга сўрилгач умумрезорбтив таъсир этади, яъни жигарга тушиб, дистрофик ва яллиғланиш жараёнларини чақиради ёки гепатоциррозни келтириб чиқаради. Ўпкада шиш, гиперемия, яллиғланиш (бронхопневмония), эмфизема ва карнификация ривожланади. Заҳарларнинг бош миёга таъсири натижасида токсик энцефалит ва миё моддасининг шиши ривожланади. Юракдаги дистрофик ва яллиғланиш жараёнлари тахикардияга

олиб келади. Алкалоидларнинг буйракларда кумуляция бўлиши оқибатида ўткир ва сурункали нефрозо-нефрит пайдо бўлади [29].

**Триходесмотоксикоз** - ҳайвонларнинг кампирчопон ўсимлигининг уруғи ва вегетатив қисмларини узлуксиз равишда истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган ҳамда ошқозон ва ичакларнинг яллиғланиши, ўпка, жигар ва бош миянинг дистрофик ўзгаришлари билан намоён бўладиган касаллик. Бу касаллик 1954 йилгача отларда «Суйлуқ» номи билан аталган ва С.Г.Юдин, Х.З.Ибрагимов тадқиқотларидан кейин триходесмотоксикоз номи билан аталган. Касал ҳайвон ҳалок бўлади, соғайган ҳолларда эса ўсиш ва ривожланишдан қолиб, пуштдорлик кўрсаткичлари ёмонлашади.

Касаллик отларда икки шаклда намоён бўлади [27,29].

**А. Ўпка шакли** нафаснинг тезлашиши, очбиқин ариқчасининг пайдо бўлиши ва иккинчи тоннинг кучайиши билан тавсифланади. Касаллик кучайган пайтда экспиратор ҳансираш, «бурун қанотларининг титраши», «жағ оралиғи билан титраш» каби ўзига хос белгилар пайдо бўлади. Нафас ва пульс тезлашади. Отда олазарак бўлиб безовталаниш ва ҳар нафас чиқарган пайтда бутун гавдаси билан тебраниш кузатилади. Иштаҳа сақлансада ҳайвон ориқлаб кетади. Тана ҳарорати ўзгармасдан қолади. Ўпка чегараси 1-2 қовурға ҳажмига катталашади. Перкуссияда ўпкада тимпаник товуш эшитилади.

**Б. Асаб-жигар шакли** депрессия, шиллиқ пардаларнинг сарғайиши ва жигарнинг охириги қовурғাগача катталашиши билан намоён бўлади. Брадикардия (ўт кислоталари таъсирида), нафаснинг сийраклашиши ва чуқурлашиши (Куссмаул типигаги нафас) кузатилади. Касаллик охирига бориб иштаҳа сусаяди ёки бутунлай йўқолади. Чўчқаларда касаллик ўткир кечади ва 2-3 кун давом этади. Кучсиз безовталаниш, ҳароратнинг 1-1,5 °С га кўтарилиши, нафаснинг тезлашиши, ҳансираш, қусиш, иштаҳанинг йўқолиш, ич кетиши, тезакнинг шилимшиқ ва қон аралаш бўлиши каби белгилари кузатилади. Конъюнктивит ва гиперемияга учрайди, шишади, бурундан кўпик аралаш қон кетади. Ўпка шиши оқибатида ҳайвон ҳалок бўлади. Сурункали кечган пайтда ориқлаш ва бола ташлаш ҳолатлари кузатилади [57].

**Гематологик кўрсаткичлари.** Ўткир триходесмотоксикоз пайтида эритропения, олигохромения, нейтрофилли лейкоцитоз (ядронинг чапга силжиши), эозинофилия, қанд микдорининг 120 мг% гача ошиши, билирубин микдорининг 12 мг% гача кўтарилиши ва бевосита ўлими олдидан лейкопения кузатилади.

**Патолого-анатомик ўзгаришлари.** Отларда (ўпка шаклида) ўпка 1,5 бараваргача катталашади, эмфизема, карнификация, резинасимон консистенция (сут безига ўхшайди) кузатилади. Асаб-жигар шаклида – жигар 1,5 мартагача катталашади, қотади, ранги қораяди ва мрамор рангини олади, кесганда овоз беради (цирроз), мия қон томирларининг гиперемияси ва мия шиши кузатилади. Сурункали кечганда сурункали катарал гастроэнтерит, оралик ва бронхиал лимфа тугунларининг катталашиси, нефрозо-нефрит ва ўпка карнификацияси кузатилади [57].

**Таърихи.** Анамнез маълумотлари, касаллик белгилари, патолого-анатомик ўзгаришлари, озуқани ботаник ва токсикологик текшириш натижалари эътиборга олинади. Касаллик куйдирги (чўчка), устилаготоксикоз (чўчка), гелиотроптоксикоз (чўчка ва кўй) ва юкумли менингоэнцефалит (от) касалликларидан фаркланади. Триходесматоксикозга эрта ташҳис қўйишда қуйидаги уч белги (профессор Х.З.Ибрагимов «триада»си) эътиборга олинади: 1) 5-10 минутлик югуртиришдан кейин отда хансираш ва «очбиқин ариқчаси»нинг пайдо бўлиши; 2) юракда 2-тоннинг кучайиши; 3) қон зардобдаги билирубин миқдорининг 12 мг% гача кўпайиши эътиборга олинади ва анамнез маълумотлари билан таққосланади [57].

### **Хулоса**

Юқорида келтирилган ўсимликлар Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалганлиги билан бошқа алкалоид сақловчи ўсимликлардан ажралиб туради. Мазкур ўсимликлар билан одамлар айрим ҳолатларда дуч келишлари ва бундай ҳолатларда турли даражада заҳарланишлари илмий ва илмий – оммабоп адабиётларда қайд қилинган. Шу вақтгача уларнинг тузилиши, кимёвий таркиби, аҳамияти, одам ва ҳайвон организмга таъсирини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг айримлари халқ табобатида турли касалликларни даволашда қўлланилиши ҳам маълум. Манзарали бута ва гуллар шаклида ўстириладиганлари ҳам мавжуд. Бу эса бу ўсимликлар билан одамлар, айниқса, болаларнинг беҳосдан заҳарланишлари мумкинлигининг эҳтимоли катталигини билдиради.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатдики, бундай ўсимликлар билан заҳарланишларнинг клинко-симптоматик белгилари жуда кам ҳолатда аниқ бир кўринишга эга эканлиги, аксариятда, улар умумий заҳарланиш белгиларини намоён қилишлари аниқланди. Бу ҳолат касалликнинг, жумладан заҳарланишнинг умумий ташҳисини мураккаблаштириши ва нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Беморга ташҳис қўйиш вақтида таҳлил объектларининг (қон,

пешоб ва б.) сон кўрсаткичлари аниқланади. Жуда кам ҳолатларда бундай ҳолатнинг сабабчиси бўлган токсик модда таҳлил қилинади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда барча заҳарланишлар чақирган моддаларни таҳлил услублари ҳам ишлаб чиқилган эмас.

Одамларнинг заҳарланишларида уларга тез тиббий ёрдамни сифатли ва ўз вақтида кўрсатишда уларни нимадан заҳарланганликларини билиш жуда муҳим. Бунинг учун заҳарланишга сабаб бўлган моддаларни ишончли усуллар ёрдамида идентификация қилиш лозим бўлади. Адабиётларнинг таҳлили бундай усуллар етарли ишлаб чиқилмаганлиги, мавжудлари ҳам чуқур ўрганилмаган ва асосланмаганлиги кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб изланишларнинг кейинги босқичида алкалоидларни турли объектлардан ажратиб олиш ва таҳлил қилиш усуллари келтирилган адабиётларни ўрганиш мақсад қилиб олинди.

### **III. Алкалоидларни турли объектлар таркибидан ажратиб олиш**

#### ***3.1. Ўсимликлардан алкалоидларни ажратиб олишда қўлланиладиган усул ва услублар***

Ўсимликлар билан заҳарланиш, асосан улар таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларга боғлиқ бўлгани ва заҳарланишга сабабчи бўлган модданинг кам миқдорда бўлиши, уларни заҳарланган организмдан ажратиб олиб аниқлашда сезгир ва хусусий усулларни қўллашни тақозо этади.

Шунингдек, турли объектлардан, жумладан ўсимликлардан алкалоидларни ажратиб олишда модданинг физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларини, объектнинг ўзини агрегат ҳолати ва таркибини инобатга олган усул ва услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда бу объектлардаги алкалоидларни тўлиқ ажратиб олишнинг имконияти камаяди.

Юқоридаги ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни ажратиб олишнинг учта усули ишлаб чиқилди.

***I-усул.*** Майдаланган ва тешиклари диаметри 1 мм бўлган элакдан ўтказилган ўсимлик маҳсулотидан 10 г миқдорда ўлчаб олинди. Маҳсулот ҳажми 250 мл бўлган шиша идишга солинди. Хом ашё устига 150 мл диэтил эфири ва аммиакнинг концентранган эритмасидан 7 мл қўшиб, усти қопқоқ билан беркитилди. Аралашма 1 соат давомида махсус чайқатгич асбобида вақти-вақти билан чайқатиб турилди. Белгиланган муддат тугагач органик эритувчи ва ўсимлик хом ашёсидан ташкил топган аралашма 250 мл ҳажмли колбага қоғоз фильтр орқали филтрланди. Филтратга 5 мл тозаланган сув қўшиб 3-5 дақиқа чайқатилди ва бир оз вақт тиниши учун қолдирилди.

Тинган эфирли ажратмадан 90 мл олиб, 200 мл ҳажмдаги ажратгич воронкага ўтказилди. Воронкадаги экстрактга хлорид кислотасининг 1% эритмасидан 20 мл қўшиб, 3 дақиқа чайқатилди. Кислотали сувли қисм фильтр қоғози ёрдамида филтрланди. Воронкада қолган эфирли қисмга хлорид кислотасининг 1% эритмасидан 15 мл қўшиб, 3 дақиқа давомида чайқатилди ва юқорида келтирилган тартибда кислотали сувли қисм ажратиб олинди. Бу жараён шу тарзда яна бир марта қайтарилди. Олинган кислотали ажратмалар бирлаштирилиб, уларнинг рН муҳити (универсал индикатор ёрдамида назорат қилинган ҳолда) аммиакнинг 25% эритмаси билан ишқорий шароитга келтирилди. Мазкур аралашмадан алкалоидлар 20 мл хлороформ билан 5 дақиқа мобайнида экстракцияланди. Хлороформ қатлами ажратгич воронка ёрдамида ажратиб олинди. Сувли қатламнинг рН муҳити яна бир бор текширилган ҳолда юқорида келтирилган тартибда яна икки марта 15 ва 10 мл хлороформ билан экстракцияланди. Ажратиб олинган хлороформли экстрактлар бирлаштирилди. Умумлаштирилган экстракт 3-5 г сувсизлантирилган натрий сульфат тузи солинган фильтр қоғози орқали филтрланди. Филтратдан органик эритувчи оз ҳажм қолгунича ҳайдаб олинди. Қолган экстракт қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқ 5 мл этил спиртида эритилди ва таҳлил учун олиб қўйилди.

**2-усул.** Майдаланган ва тешиклари диаметри 1 мм бўлган элакдан ўтказилган ўсимлик маҳсулотидан 10 г миқдорда аниқ тортма олинди. Маҳсулот ҳажми 250 мл бўлган шиша идишга солинди. Хом ашё устига оксалат кислотасининг 2% эритмасидан 150 мл, аммиакнинг концентрланган эритмасидан 7 мл қўшиб, усти қопқоқ билан беркитилди ва 1 соат давомида чайқатиб турилди. Кислотали ажратма ҳажми 200 мл конуссимон қолбага тезда фильтр қоғоз орқали филтраб олинди. Филтратга 5 мл этил спирти ва натрий хлориднинг тўйинган эритмасидан 5 мл қўшилди. Сўнгра аммиакнинг 25 % эритмаси билан рН муҳити 9 га етказилди. Ушбу аралашмадан алкалоидларни диэтил эфири ёрдамида 20, 15, 10 млдан 3 қайта экстракцияланди. Экстракт 3-5 г сувсизлантирилган натрий сульфат тузи солинган ва диэтил эфири билан намланган фильтр қоғоз орқали филтраб ажратиб олинди ва хона ҳароратида қуруқ қолдиқ қолгунча буғлатилди. Қуруқ қолдиқ 1 мл этил спиртида эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланди ва таҳлил қилинди.

**3-усул.** Майдаланган ва тешиклари диаметри 1 мм бўлган элакдан ўтказилган ўсимлик маҳсулотидан 10 г миқдорда тортма олинди. Олинган хом ашё 250 мл ҳажмли конуссимон қолбага ўтказилди. Қолбадаги хом ашё устига 15 мл оксалат кислотасининг 5% эритмасидан ва 75 мл диэтил



эфирдан солиб, чайқатиб турган ҳолда 1 соатга қолдирилди. Бунда ўсимлик таркибидаги алкалоидлар асос ҳолидан оксалат кислота тузларига ўтади. Бу тузлар сувда эрийди ва сув-кислотали қатламга ўтади. Эфир қатламида эса бошқа ёт моддалар, шунингдек, ўсимликнинг хлорофилл қолдиқлари қолади. Бу бирмунча тоза ажратма олиш имконини беради. Ажратмани қоғоз филтёр ёрдамида филтёрлаб олиниб, кислотали қатлам органик эритувчи қатламидан ажраткич воронка билан ажратиб олинди. Бу жараён уч марта қайтарилди. Олинган кислотали ажратмалар бирлаштирилиб, рН муҳити универсал индикатор ёрдамида назорат қилинган ҳолда аммиакнинг концентрланган эритмаси ёрдамида ишқорий шароитга келтирилди. Бунда алкалоидлар асос ҳолига ўтади ва улар 20 мл хлороформ билан 5 дақиқа давомида экстракцияланди. Аралашмадан органик эритувчи қатлами ажраткич воронка ёрдамида ажратиб олинди. Сувли қатлам эса яна икки марта (15 ва 10 мл) хлороформ билан 5 дақиқадан экстракцияланди. Учта хлороформли экстрактлар бирлаштирилди. Хлороформли экстракт таркибидаги намликни бартараф этиш учун 3-5 г сувсизлантирилган натрий сульфат солинган филтёр қоғози орқали филтёрланди. Хлороформли филтёрлат қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқ таҳлил учун олиб қўйилди.

Юқорида келтирилган тартибда ажратиб олинган алкалоидларни замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш учун мўътадил шароитлар танлаб олинди.

### ***3.2. Биосуюқликлардан алкалоидларни ажратиб олишнинг ишлаб чиқилган услублари***

Ўткир заҳарланиш ҳолатларида асосий объект сифатида пешоб, баъзида ошқозон чайинди сувлари муҳим аҳамият касб этади. Заҳарли моддани биологик суюқлик таркибидан имкон даражасида тўлиқ ажратиб олиш ва таҳлилга тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун қатор тажрибалар ўтказилиши ва уларнинг натижалари ўрганилиши лозим. Изланишларнинг кейинги босқичида шундай тажрибаларни ўтказишни мақсад қилиб қўйилди.

Бунинг учун модел объектлар тайёрлаб олинди. 5 та 5 мл қон сақлаган намунага 10 млдан ўсимлик (этил спирти ёрдамида олинган) экстрактидан қўшиб, аралаштирилди, 6-намунага этил спирти қўшилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, қуйида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Қон намуналаридан алкалоидларни ажратиб олиш учун уларга 5 млдан оксалат кислотаси, 2 млдан этил спирти ва 5 млдан диэтил эфири қўшиб, 1 соатга қолдирилди. Вақти-вақти билан чайқатиб турилди. Кислотали сув қатлами фильтрлаб ажратиб олинди ва унга 10 мл 1 М натрий ишқорининг эритмаси (рН=9) ва 5 мл хлороформ қўшилди. Ушбу аралашма механик чайқатгичга 10 дақиқага қўйилди. Сўнгра 3000 айл/дақ. тезликда 5 дақиқа центрифуга қилинди. Хлороформли қават ажратиб олиниб, 1-3 г сувсиз натрий сульфат сақлаган фильтр қоғози орқали ўтказилди. Фильтрат курук қолдиқ қолгунча қуритилди. Курук қолдиқ 1 мл этанолда эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланди.

Пешоб модел эритмасини тайёрлаш учун унинг 25 мл ҳажмли 6 та намунаси олиниб, ундан 5 та намунасига 10 млдан ўсимлик (этил спирти ёрдамида олинган) экстрактдан қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, қуйида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Пешобдан алкалоидларни ажратиб олиш учун модел эритмаларга 5 млдан оксалат кислотаси, 2 млдан этил спирти ва 5 млдан диэтил эфири қўшиб, 1 соатга қолдирилди. Вақти-вақти билан чайқатиб турилди. Кислотали муҳитдан сув қатлами фильтрлаб ажратиб олинди ва 10 мл 1 М натрий ишқорининг эритмаси ва 5 мл хлороформ қўшилди. Ушбу аралашма механик чайқатгичга 10 дақиқага қўйилди. Хлороформли қават ажратиб олиниб, 1-3 г сувсиз натрий сульфат сақлаган фильтр қоғоз орқали ўтказилди. Фильтрат курук қолдиқ қолгунча қуритилди. Курук қолдиқ 1 мл этил спиртида эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланди.

### ***3.3. Биологик объектдан алкалоидларни ажратиб олишнинг ўзига хос томонлари***

Биологик объект моделини тайёрлаш учун йўл транспорт ҳодисасида вафот этган одам жигаридан 100,0 г 5 та намуна олиниб майдаланди, 5 та намунага 10 мл ўсимликдан олинган экстракт солинди ва аралашмалар 24 соатга қолдирилди. Сўнгра устига 15 млдан оксалат кислотасининг 5% эритмаси ва 75 млдан диэтил эфиридан солиб, чайқатиб турган ҳолда 1 соатга қолдирилди. Сўнгра 3000 айл/дақ. тезликда 5 дақиқа центрифуга қилинди. Ажратмани фильтрлаб олиб, кислотали қатлам органик эритувчи қатламидан ажраткич воронка ёрдамида ажратиб олинди ва филтрланди. Бу жараён уч марта қайтарилди. Олинган кислотали ажратмалар бирлаштирилиб, рН муҳити универсал индикатор ёрдамида назорат қилинган ҳолда аммиакнинг

концентрланган эритмаси ёрдамида ишқорий шароитга (pH=8-9) келтирилди. Бунда алкалоидлар асос ҳолига ўтади ва улар 20 мл хлороформ билан 5 дақиқа давомида экстракцияланди. Аралашмадан органик эритувчи қатлами ажраткич воронка ёрдамида ажратиб олинди. Сувли қатлам эса яна икки марта (15 ва 10 мл) хлороформ билан 5 дақиқадан экстракцияланди. Учта хлороформли экстрактлар бирлаштирилди. Хлороформли экстракт таркибидаги намликни бартараф этиш учун 3-5 г сувсизлантирилган натрий сульфат солинган фильтр қоғози орқали филтрланди. Хлороформли филтрат куруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқ таҳлил учун олиб қўйилди.

### *Хулоса*

Ўсимлик таркибидан алкалоидларни ажратиб олишнинг адабиётларда келтирилган усуллари, асосан, алкалоидлар йиғиндисини ажратиб олишга қаратилган. Шунингдек, улар ёрдамида тоза алкалоидларни ажратиб олиш ва дори воситаси сифатида қўллаш мумкин. Бироқ суд-кимё таҳлилларида биологик объектлар таркибида жуда кам миқдорда бўладиган асосий захарли таъсир этган алкалоидни аниқлаш учун қўлланилиши доим ҳам кутилган натижаларга олиб келмайди. Юқорида келтирилган ўсимлик таркибидан алкалоидларни ажратиб олишнинг 2- ва 3-усуллари биологик суюқликлар ҳамда биологик объект таркибидан алкалоидларни ажратиб олишга тадбиқ этилди. Изланишлар натижасида қон, пешоб ва жигар таркибидан ўрганилаётган ўсимликлар алкалоидларини ажратиб олишнинг мўътадил шароитлари ишлаб чиқилди.

## **IV. Алкалоид сақлаган ўсимликлар билан захарланишларни аниқлашда қўлланиладиган таҳлил усуллари**

### ***4.1. Ўсимликларни турли объектлардаги фармакогностик таҳлили***

Ўсимликлар билан захарланишда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун аниқ ташҳис қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ташҳиснинг тўғри қўйилиши дастлабки текшириш усуллари, жумладан, қуйидаги ҳолатлар ёрдамида олиб борилади:

- захарланган одамда кузатилаётган клиник белгиларни таҳлил қилиш;
- захарланган одамнинг ошқозони ҳамда қусуқ массаларида ўсимлик қолдиқларини фармакогностик ўрганиш;


- биологик объектларда (қон, пешоб, ошқозон чайинди сувлари) захарли ўсимлик биологик фаол моддасининг таҳлили.

Захарланишнинг клиник белгилари юқорида ҳар бир ўсимлик учун алоҳида-алоҳида келтирилди.

Ошқозонда ўсимлик қисмларининг қолдиқларини фармакогностик ўрганиш айнан қайси ўсимлик билан захарланиш юз бергани хақида дастлабки тахминларни келтиришга ёрдам беради.

Захарланган инсоннинг ошқозон чайинди сувлари ва қайт қилиш массалари фармакогностик текширилганда асосан барг, мева қолдиқларининг микроскопик таҳлили ўтказилади. Қора мингдевона, белладонна ва катта қончўп ўсимликлари микроскопик тузилиши адабиётларда келтирилган бўлиб, уларнинг захарланган инсон ошқозонидан олинган масса таркибида аниқлаш мақсадида солиштирма таҳлиллар олиб борилди. Қуйида ўрганилаётган ўсимликларнинг айрим қисмларининг микроскопик таҳлили натижалари келтирилган.

**Қора мингдевона.** Ишқор эритмаси билан ёритилган баргнинг ташқи кўриниши микроскоп остида кўрилади (4.1-расм). Маҳсулотда ҳар хил ёшдаги барглар бўлади. Шу сабабли улардаги туклар ва кристаллар миқдори турлича. Эпидермис хужайралари девори эгри-бугри, устъяцалар баргнинг ҳар икки томонига жойлашган. Туклар юпқа деворли, узун, кўп хужайрали, оддий ёки безли, бошчаси бўлиб, ёш баргларда жуда кўп.



**4.1-расм. Мингдевона барги микроскопияси**

1, 2 - барг эпидермиси қолдиқлари; 3 - тукчалар; 4 - барг томири қолдиқлари; 5 - друзлар; 6 - баргнинг бўлинган фрагментлари.


Барг четида мингдевона ўсимлигига хос кўп хужайрали, чўзинчоқ ёки юмалоқ бошли ва узун, кўп хужайрали оёкли тукларни кўриш мумкин. Барг

ўсган сари туклар қуриб, йўқола боради. Кристаллари призма ва куб шаклида бўлиб, якка ҳолда учрайди. Жуда йирик ва қари барглардан эса 2-3 таси бирлашган кристалларни, друзларни (баъзан томирида турли шаклдаги кристалл қумларни) учратиш мумкин.

Маҳсулотнинг кукунида юқорида кўрсатилган элементлардан (баргдаги туклар ва кальций оксалат кристалларидан) ташқари доимо рангсиз, йирик кум ёки турли шаклдаги сариқ кристалларнинг йирик бўлакчалари бўлади.

**Доривор белладонна.** Баргни ишқор эритмаси билан ёритиб, сўнгра ташқи тузилиши микроскоп остида кўрилади (4.2-расм). Барг эпидермисининг ён деворлари эгри-бугри бўлиб, ундаги кутикула қатламлари билиниб туради. Баргларда томирлари бўйлаб, уч-тўрт хужайрали оддий, бир хужайрали бошчали ва узун оёқчали ҳамда бошчаси кўп хужайрали ва калта (бир хужайрали) оёқчали туклар кўринади. Баргда кальций оксалат тузининг қумсимон кристаллари жойлашган ҳалта хужайралар бўлиши унинг энг характерли белгиларидан биридир. Бу ҳалта хужайралар баргининг мезофилл қисмида тарқоқ ҳолда жойлашган бўлиб, микроскопнинг кичик объективида кичкина қора доғ шаклида, катта объективида эса аниқ кўринади.

Баъзан ҳалта хужайрадаги кристаллар баргда кукун ҳолида сочилиб кетган бўлади.



**4.2-расм. Белладонна барги микроскопияси**

1, 2 - барг эпидермиси қолдиқлари; 3 - тукчалар; 4 - барг томири қолдиқлари; 5 - кальций оксалат кристаллари; 6 - баргнинг бўлинган фрагментлари.

**Сассиқ алаф.** Ўзбекистонда ўсувчи сассиқ алаф ўсимлиги биринчи марта ўрганилаётган бўлиб, ҳозир вақтгача унинг фақат анатомик тузилиши бўйича фармакогностик таҳлил олиб борилган. Мазкур манбаада ўсимлик



қисмларининг анатомик тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Жумладан, барг ва мевасининг микроскопияси ўрганилган бўлиб, маълумотлар қуйида келтирилган.


### **Барг микроскопияси**

Баргнинг икки томонидаги эпидермис хужайралари юпка деворли эгрибугри бўлиб, ҳар икки томонда устьицалар жойлашган (4.3-расм). Улар баргнинг пастки томонида кўпроқ. Кутикула юпка қат-қат жойлашган бўлиб, бу устьица атрофида яққол кўриниб туради. Туклар бўлмайди.

Барг кўндаланг кесимда долзовентрал тузилишга эга бўлиб, баргнинг юқори томонига бир қатор қозиксимон хужайралар, баргнинг пастки томонига 4-6 қатор паренхима хужайраларидан ташкил топган булутсимон тўқима жойлашган.

Баргнинг асосий томирида йирик ўтказувчи тўқима боғламлари жойлашган бўлиб, унинг юқори ва пастки қисмидаги эпидермис тагида колленхима жойлашган.

Барг кўндаланг кесимида айлана бўйича бир неча ўтказувчи тўқима боғламлар жойлашган бўлиб, унинг ўртасида бўшлиқ бўлади. Ўтказувчи тўқима боғламларидаги ксилема, флоэма ва паренхима хужайралар оралиғида секретор каналчалар жойлашган бўлади.



### **4.3-расм. Сассиқ алаф ўсимлиги баргининг микроскопияси**

А - юқори эпидермис; Б - пастки эпидермис; В - барг пластинкасининг кўндаланг кесими; Г - барг асосий томирининг кўндаланг кесими; Д- барг асосий томирининг кўндаланг кесимини бир фрагменти.


1 - барг эпидермиси; 2 - устьица; 3 - қат-қат кутикула; 4 - қозиксимон тўқима; 5 - булутсимон тўқима; 6 - ўтказувчи тўқима боғлами; 7 - колленхима; 8 - ксилема; 9 - флоэма; 10 - секретор канал; 11 - ҳаволи бўшлиқ.

### Мева микроскопияси

Мева кўндаланг кесимида икки кўшалок беш қобирғали пистадончадан иборат (4.4-расм). Эндосперм эгилган буйраксимон шаклда. Мева эпидермиси – экзокарп усти кўриниши майда кўримсиз бўлиб, узунаси қатқат кутикула ва сийрак сўрғичсимон эпидермис хужайра ўсмалар билан қопланган. Қобирғаларда ўтказувчи тўқима жойлашган. Эфир мойли каналчалар бўлмайди. Меванинг ташқи девори – мезокарпда майда юпқа деворли хужайралар жойлашган, ички деворида эса икки қатор узунасига чўзилган йирик хужайралар бўлади. Бу хужайраларнинг ташқи томони U-симон қалинлашган.

Эндокарп – мева ички қавати текис юпқа қаватли хужайралардан иборат.

Эндосперм бир қават майда хужайралардан иборат бўлиб, уларда алейрон дончалари ва друзлар, ёғ томчилари бўлади.




#### 4.4-расм. Сассиқ алаф ўсимлиги мевасининг микроскопияси

1 - меванинг умумий кўриниши; 2 - меванинг кўндаланг кесими (схема); 3 - мева пўстлоғининг кўндаланг кесими;

а – мева пўстлоғи; в – ўтказувчи тўқима боғламлари; г – уруғ палласи.

**Катта қончўп.** Катта қончўп ўсимлиги билан заҳарланиш ҳолатлари юз берганда дастлабки тезкор таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш мақсадида ўсимлик билан заҳарланган куённинг ошқозонидан чайинди сувлар олиниб, фармакогностик жиҳатдан ўрганилган. Ошқозон чайинди сувлари таркибидаги ўсимлик қолдиқларини микроскопик ўрганилганда катта қончўп ўсимлигига хос диагностик белгилар кўрилган (4.5-расм). Бунда баргнинг ҳар иккала томонидаги эпидермис хужайралари эгри-бугри деворли бўлиб, устьицалар баргнинг фақат пастки томонидаги эпидермисида 4-7 та эпидермис хужайралари билан ўралган. Қончўп учун ўзига хос белгилардан


бири баргида сарғиш-кўнғир рангли сут-шира найларининг мавжудлиги. Баргнинг ҳар бир тишчаси устида гитадода ва сув устьицалари учрайди.



**4.5-рasm. Катта қончўп ўсимлиги баргининг микроскопияси**

1 – баргнинг устки эпидермиси; 2 – баргнинг пастки эпидермиси; 3 – устьицалар; 4 – тукчалар; 5 – гидатодалар; 6 – йирик сувли устьицалар; 7 – паренхима ғовак тўқималарининг сувли устьицалари; 8 – сут найчалари.


**Яшил шамшод.** Ўсимликнинг барглари диностик белгиларини аниқлаш мақсадида глицерин-спирт-сув (1:1:1) аралашмасида микропрепарат тайёрлаб, микроскоп остида кўрилганда баргнинг ҳар иккала томонидаги эпидермис хужайралари эгри-бугри деворли бўлиб, устьицалар баргнинг фақат пастки томонидаги эпидермисида 3-5 та эпидермис хужайралари билан ўралган. Баргнинг четларида калта бир хужайрали бошчали ва узун оёқчали туклар жойлашган (4.6-рasm).



**4.6-рasm. Яшил шамшод ўсимлиги баргининг микроскопияси**

1 – баргнинг устки эпидермиси; 2 – устьицалар; 3 – тукчалар

**Кампирчопон.** Кампирчопон ўсимлигининг ер устки қисмидан хлоралгидрат ёрдамида микропрепарат тайёрланди ва микроскоп остида кўрилганда баргнинг устки ва остки эпидермиси ҳужайралари эгри-бугри деворли бўлиб, устьицалар баргнинг иккала томонида жойлашган. Улар 4-5 ҳужайра билан ўралган. Баргнинг иккала томонида ҳам кўплаб узун кўп ҳужайрали туклар мавжуд. Барг томири бўйлаб шохланган кўп ҳужайрали, бошчали бир ҳужайрали, узун туклар мавжуд (4.7-расм).




**4.7-расм. Кампирчопон ўсимлиги баргининг микроскопияси**

1 – баргнинг устки эпидермиси ва устьицалар; 2 – тукчалар; 3-кўп тармоқли тукчалар.

Ушбу микроскопик кўрсаткичлар ўрганилган ўсимликлар билан заҳарланишларни аниқлашда дастлабки диагностик белгилар сифатида фойдаланиш мумкин. Ошқозон чайинди сувларидан ажратиб олинган ўсимлик қисмларини фармакогностик таҳлилини ўтказиш мақсадида тажриба ҳайвонларида изланишлар олиб борилди.

Тажриба учун мос равишда алоҳида-алоҳида лаборатория қуёнларининг овқатига мингдевона, белладонна, қончўп, сассиқ алаф, яшил шамшод ва кампирчопон ўсимликларидан аралаштириб, енгил заҳарланиш ҳолатини юзага келтирилди. 0,5-1 соатдан сўнг қуённинг ошқозонини ювиб, ювинди сувлар алоҳида идишга йиғилди. Ўсимлик қисмлари пинцет ёрдамида ажратиб олинди, аввал глицерин-спирт-сув (1:1:1) аралашмаси билан, сўнгра хлоралгидрат эритмаси билан ювилди. Тайёрланган намуналар микроскоп остида кўрилганда юқорида келтирилгандек белгилар кузатилди (4.8-4.13 расмлар).







**4.8-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган мингдевона қисмлари**

1, 2 - барг эпидермиси қолдиқлари; 3 - тукчалар; 4 - барг томири қолдиқлари; 5 - друзлар; 6 - баргнинг бўлинган фрагментлари.

**4.9-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган белладонна қисмлари**

1, 2 - барг эпидермиси қолдиқлари; 3 - тукчалар; 4 - барг томири қолдиқлари; 5 - кальций оксалат кристаллари; 6 - баргнинг бўлинган фрагментлари.





**4.10-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган қончўп қисмлари**

1 – баргнинг устки эпидермиси; 2 – баргнинг пастки эпидермиси; 3 – устьицалар; 4 – тукчалар; 5 – гидатодалар; 6 – йирик сувли устьицалар; 7 – паренхима ғовак тўқималарининг сувли устьицалари; 8 – сут найчалари.



**4.11-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган сассик алаф қисмлари**

1 - барг эпидермиси; 2 - устьица; 3 - қат-қат кутикула; 4 - булутсимон тўқима




**4.12-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган шамшод қисмлари**

1 - баргнинг устки эпидермиси; 2 - устьицалар; 3 – тукчалар.

**4.13-расм. Ошқозон қайт массасидан ажратиб олинган кампирчопон қисмлари**

1 - баргнинг устки эпидермиси ва устьицалар; 2 - тукчалар; 3- кўп тармоқли тукчалар.



**4.2. ЮҚХ-скрининг усулида алкалоидларни аниқлаш**

Алкалоид сақловчи ўсимликлар ва алкалоидларни таҳлил қилишда хроматографик усулларининг ҳамма турлари (адсорбцион, ион алмашиш, тақсимланиш (бўлиниш) ва бошқалар) кенг миқёсда қўлланилади. Бу усуллардан алкалоидли ажратмада қанча ва қандай бирикмалар (чинлигини аниқлашда, яъни идентификация қилишда) борлиги, алкалоидлар йиғиндисидан айримларини ажратиб олиш ҳамда уларнинг миқдорини аниқлашда фойдаланилади. Ўсимликлар таркибида неча хил алкалоидлар

борлиги ва уларнинг дастлабки – *тахминий* чинлигини аниқлашда (идентификация қилишда) хроматографик таҳлил усулларидан қоғоз ва юпқа каватда ўтказиладиган тақсимланиш хроматографик усуллари жуда ҳам қулай ҳисобланади.

ЮҚХ усули оддийлиги, қўллаш соҳасининг кенглиги, сезгирлиги туфайли ҳозирги кунгача ўз амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, усул суд-кимё, экология ва кимё-токсикологик таҳлилларда бир томондан модда сифатини аниқловчи услуб, иккинчи томондан биологик объектлардан олинган ажратмаларни тозалаш усули сифатида қўлланилиши маълум. Бу эса мазкур таҳлилларда муҳим аҳамият касб этади.

Юпқа қатлам хроматографиясида моддаларни тақсимлаш ва бир-биридан ажратишда эритувчилар системасини тўғри танлаш муҳим роль ўйнайди. Зеро, тўғри танланган органик эритувчилар аралашмаси наинки ушбу модда учун сифат кўрсаткичи ( $R_f$  қиймати бўйича) бўлиб, балки ёт моддалардан тозалашда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шунингдек, ЮҚХ усулида моддалар таҳлил қилинганда уларнинг  $R_f$  қийматлари 0,4-0,8 оралиқда бўлиши тақозо этилади ва бунга органик эритувчиларни турли нисбатларда қўллаш орқали эришилади.

Тажрибаларда «Силуфол» пластинкаси (Silpearl сорбенти), лабораторияда тайёрланган пластинка (LS 5/40  $\mu$  силикагель сорбент) фойдаланилди.

Лаборатория хроматографик пластинкалар қуйидагича тайёрланди.

Ўлчамлари 8x12 см бўлган сирт юзаси тозаланган шиша пластинкаларга таркибида 13% гипс сақлаган нейтрал силикагель суспензияси қуюлиб текисланди. Тайёрлаган пластинкалар хона ҳароратида қуритилиб, сўнгра қуритиш шкафида 130 °С ҳароратда 30-40 дақиқа қолдирилди. Қуритилган пластинкаларни эксикаторга жойлаштирилиб совутилди. «Силуфол» пластинкалар қўллаш учун тайёр бўлганлиги сабабли уларни фақат қуритиб олинди. Таҳлилларда хатоликларни камайтириш мақсадида ҳар иккала пластинкаларни ишлатишдан аввал мос эритувчилар системасида ювиб олинди.

### **Мингдевона ва белладонна ўсимликларининг ЮҚХ-скрининг таҳлили**

Хлороформли экстрактдан қолган қуруқ қолдиқ 5 мл этил спиртида эритилгандан сўнг ундан оз миқдорда (2 мл) олиб реакциялар олиб борилди.

1-3 томчи спиртли эритма буюм ойначасига ўтказилди ва қуритилди. Қуруқ қолдиқ устига 1-2 томчи 0,01 М хлорид кислотаси томизилди ва қолдиқ эритилди. Ушбу эритма ёнига керакли реактивдан 1-2 томчи

томизилиб, шиша таёқча билан эритмалар аста-секин аралаштирилди. Бунда икки эритма аралашган жойда характерли лойқаланиш ёки чўкма тушиши кузатилди.

Қора мингдевона ва белладонна ўсимликларидан олинган экстрактлар куйидаги реактивлар билан чўкмалар ҳосил қилди:

Вагнер (йоднинг калий йодиддаги эритмаси), Драгендорф (висмут йодиднинг калий йодиддаги эритмаси), Майер (симоб йодиднинг калий йодиддаги эритмаси), Зонненшейн (фосфор-молибден кислотаси), Шейблер (фосфор-вольфрам кислотаси) реактивлари. Ушбу реакциялар натижалар 4.1-жадвалда келтирилган.

#### 4.1-жадвал

#### Қора мингдевона ва белладонна ўсимликлари экстрактининг умумий чўктирувчи реактивлар билан реакциялари натижалари

Реактивлар \ Экстракт	Вагнер	Драгендорф	Майер	Зонненшейн	Шейблер
Мингдевона экстракти	кўнғир чўкма	қизил-кўнғир чўкма	кўнғир чўкма	кўкимтир чўкма	кўнғир чўкма
Белладонна экстракти	қизил-кўнғир чўкма	зарғалдоқ-кўнғир чўкма	кўнғир чўкма	қорамтир чўкма	кўнғир чўкма

Олинган экстракт таркибидаги алкалоидларни балласт моддалардан тозалаш ҳамда бир-биридан ажратиш мақсадида адабиётлардан олинган маълумотлар ҳамда юқорида келтирилган натижалардан фойдаланган ҳолда ЮҚХ-скрининг таҳлили олиб борилди. Бунинг учун LS 5/40 маркали силикагелдан (13% гипс сақлаган) пластинкалар куйидаги тартибда тайёрланди [ ]:

Чинни идишга 35 г силикагель, 2 г гипс ва 90 мл тозаланган сув солиб, яхшилаб аралаштирилди. Ҳосил бўлган суспензияни 9x12 см ўлчамдаги 10 та шиша пластинкаларга тенг миқдорда, бир текисда куйиб чиқилди. Хроматографик пластинкалар хона ҳароратида қуритилди ва 105°C 30 дақиқа давомида қуритиш жавонида фаоллаштирилди. Тайёр бўлган силикагель пластинкалар таҳлилгача махсус идишларда – эксикаторларда сақланди. Қора мингдевона ўсимлигидан юқорида кўрсатилган тартибда ажратиб олинган экстрактнинг қуруқ қолдиғини 1 мл этил спиртида эритиб олиб, тайёрланган хроматографик пластинканинг старт чизиғига тўғри чизик шаклида томизилди. Ёнига гувоҳ эритма сифатида атропин ҳамда скополаминнинг стандарт намуналари эритмаларидан нуқта кўринишида томизилди. Сўнгра

олдиндан эритувчилар системасини солиб тўйинтирилган хроматографик колонкага пластинкани тушириб, хроматографик жараён олиб борилди. Эритувчилар системаси сифатида хлороформ-ацетон-диэтиламин 50:30:2 нисбатдаги аралашмаси қўлланилди. Эритувчилар системаси пластинка бўйлаб кўтарилиб, 10 см га етгач, пластинкани камерадан олиб, хона хароратида қуритилди. Сўнгра ўсимлик экстракти томизилган қисми шиша пластинка ёрдамида ёпиб турилиб, гувоҳ эритмалар томизилган қисмини Драгендорф реактиви билан пуркалди. Бунда атропин ва скополамин бири-биридан фарқли равишда пластинканинг турли қисмларида доғ ҳосил қилди. Атропин зарғалдоқ фонда қизғиш-кўнғир доғ ( $R_f=0,25$ ), скополамин эса сариқ-кўнғир доғ ҳосил қилди ( $R_f=0,64$ ). Табиийки, ўсимликдан олинган экстракт таркибидаги алкалоидлар (атропин ва скополамин) ҳам ушбу зоналарда ажралиб чиқади. Балласт моддалар эса пластинканинг пастки қисмида қолади. Пластинкадаги ҳар бир гувоҳ модда доғ ҳосил қилган зона қаршисидаги ўсимлик экстрактига тегишли қисми ажратиб олиниб, элюация қилинди. Бунда атропин учун метанол-диэтиламин (9:1), скополамин учун метанол-аммиакнинг 25% эритмаси (9:1) аралашмасидан фойдаланилди. Олинган элюатлар қоғоз филтёр орқали чинни товоқчага филтёрланиб, қурук қолдиқ қолгунча хона хароратида қуритилди. Ушбу хроматографик жараён белладонна ўсимлигидан ажратиб олинган экстракт учун ҳам олиб борилди. Элюатлардан кейинги таҳлил усулларида фойдаланиш мумкин. Бу жараён алкалоидларни аниқлаш билан бирга балласт моддалардан тозалаш усули сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

### **Сассиқ алаф ўсимлигининг ЮҚХ-скрининг таҳлили**

Сассиқ алаф ўсимлигининг биологик фаол моддаларини таҳлил қилиш ҳақидаги маълумотлар жуда тарқоқ ва кам сонлидир. Улар асосан Ўзбекистондан бошқа турли ҳудудларда ўсувчи ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганишга бағишланган.

Сассиқ алаф ўсимлигининг кимёвий таркиби Ахутина А.В. томонидан ўрганилган бўлиб, унда асосан ўсимлик таркибидаги кониин ЮҚХ, УБ-СФ ва микрокристаллоскопик реакциялар ёрдамида аниқланган [4]. Биологик объектдан кониин ишқорий муҳитда эфир билан экстракциялаб олинади. Эфир учурилиб, қолдиққа реакциялар олиб борилади. Қолдиқ сарғиш мойсимон суюқликдан иборат бўлади.

Кониин Драгендорф реактиви билан ромб шаклидаги қизил кристаллар, хлорид кислотаси билан буралган нинасимон кристаллар йиғиндисини ҳосил қилади.

Кониин учун ЮҚХ усулида кўзгалувчи фаза сифатида метанол-концентранган аммоний гидроксид (100:1,5), очувчи реагент сифатида кислотали шароитдаги йодплатинат реактиви ( $R_f=0,26$ ) таклиф этилган.

Ўсимликдан юқорида кўрсатилган тартибда ажратиб олинган экстрактнинг курук қолдиғини 1 мл этил спиртида эритиб, тайёрланган хроматографик пластинканинг старт чизиғига тўғри чизик шаклида томизилди. Ёнига гувоҳ эритма сифатида кониин ҳамда конгидриннинг стандарт намуналари эритмаларидан нуқта кўринишида томизилди. Сўнгра олдиндан эритувчилар системасини солиб тўйинтирилган хроматографик колонкага пластинкани тушириб, хроматографик жараён олиб борилди. Эритувчилар системаси сифатида хлороформ-ацетон-диэтиламиннинг 50:30:2 нисбатдаги аралашмаси қўлланилди. Эритувчилар системаси пластинка бўйлаб кўтарилиб, 10 см га етгач, пластинкани камерадан олиб, хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра ўсимлик экстракти томизилган қисми шиша пластинка ёрдамида ёпиб турилиб, гувоҳ эритмалар томизилган қисмига йод кристаллари буғлари билан ишлов берилди. Бунда пластинканинг турли қисмларида кониин ва конгидринга хос доғ ҳосил қилди. Кониин зарғалдоқ фонда қизғиш-қўнғир доғ ( $R_f=0,26$ ), конгидрин эса зарғалдоқ фонда сариқ-қўнғир доғ ( $R_f=0,68$ ) ҳосил қилди. Табиийки, ўсимликдан олинган экстракт таркибидаги алкалоидлар (кониин ва конгидрин) ҳам ушбу зоналарда ажралиб чиқади. Балласт моддалар эса пластинканинг пастки қисмида қолади. Пластинкадаги ҳар бир гувоҳ модда доғ ҳосил қилган зона қаршисидаги ўсимлик экстрактига тегишли қисми ажратиб олиниб, элюация қилинди. Бунда кониин учун метанол-диэтиламин (9:1), конгидрин учун метанол-аммиакнинг 25% эритмаси (9:1) эритувчилар аралашмасидан фойдаланилди. Олинган элюатлар филтрланиб, курук қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Ушбу хроматографик жараён ўсимликдан ажратиб олинган экстракт учун ҳам олиб борилди. ЮҚХ-скрининг усулида олиб борилган алкалоидларнинг ажралиш жараёнини балласт моддалардан тозалаш мақсадида биологик суюқликлар ҳамда биологик объект таркибидан ажратиб олинган ажратмалар учун ҳам қўлланди ва ижобий натижалар олинди.

#### **Катта қончўп ўсимлигининг ЮҚХ-скрининг таҳлили**

Катта қончўп ўсимлигидан олинган хлороформли экстракт таркибида алкалоидлар борлигини дастлабки текшириш учун суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикологик таҳлилларда қўлланиладиган алкалоидларни умумий чўктирувчи реактивларга муносабати ўрганилди. Мазкур реактивлар алкалоидлар ва тузилишида учламчи азот сақлаган органик бирикмалар

билан чўкмалар ҳосил қилади. Бу реакциялар хусусий эмас, аммо улар алкалоидларни мавжудлигини аниқлашга ёрдам беради. Уларнинг сезгирлиги жуда юқори бўлиб, кам миқдордаги моддалар билан ҳам чўкмалар ҳосил қилади. Ижобий натижалар экстрактни бошқа сезгир ва селектив усуллар ёрдамида текширишга асос бўлади. Ўтказилган реакциялар салбий натижалар берганда алкалоидларни бошқа усулларда текшириш тўхтатилади. Шунингдек, ижобий натижа ҳам алкалоидлар мавжуд деган хулосани беришга асос бўлмайди. Чунки экстрактлар таркибидаги тузилишида азот сақлаган бошқа органик бирикмалар ҳам алкалоидларни чўктирувчи умумий реактивлар билан чўкмалар ҳосил қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам алкалоидларни чўктирувчи умумий реактивлар дастлабки текширишларда қўлланилади ва улардан кейин бошқа усуллар ёрдамида тасдиқловчи текширувлар ўтказилмоғи лозим.

Катта қончўп ўсимлигидан юқорида кўрсатилган тартибда ажратиб олинган экстрактнинг қуруқ қолдиғини 1 мл этил спиртида эритиб, тайёрланган хроматографик пластинканинг старт чизиғига тўғри чизик шаклида томизилди. Ёнига гувоҳ эритма сифатида хелидонин ҳамда сангвинариннинг стандарт эритмаларидан нуқта кўринишида томизилди. Сўнгра олдиндан эритувчилар системасини солиб тўйинтирилган хроматографик колонкага пластинкани тушириб, хроматографик жараён олиб борилди. Эритувчилар системаси сифатида н-бутанол, концентранган сирка кислотаси ва сувнинг 40:10:10 нисбатдаги аралашмаси қўлланилди. Эритувчилар системаси пластинка бўйлаб кўтарилиб, 10 см га етгач, пластинкани камерадан олиб, хона ҳароратида қуритилди. Пластинкани 365 нм тўлқин узунлигида нурланувчи УБ-лампа остида кўрилганда бир нечта доғларни кўриш мумкин: сариқ-яшил рангда берберин ( $R_f = 0,3$ ), ҳаво рангдаги хелиритрин ( $R_f = 0,83$ ), қизғиш рангдаги хелидонин ( $R_f = 0,53$ ), оч зарғалдоқ рангдаги сангвинаринга хос ( $R_f = 0,79$ ). Керакли доғларга тегишли зоналар белгилаб олингач, ўсимлик экстракти томизилган қисми шиша пластинка ёрдамида ёпиб турилиб, гувоҳ эритмалар томизилган қисмига Драгендорф реактиви пуркалди. Бунда хелидонин ва сангвинаринга тегишли зоналарда ( $R_f = 0,53$  ва  $R_f = 0,79$ ) зарғалдоқ-қўнғир доғлар кўринди. Хелидонин ва сангвинарин бир-биридан фарқли равишда пластинканинг турли қисмларида доғ ҳосил қилди. Пластинкадаги ҳар бир гувоҳ модда доғ ҳосил қилган зона қаршисидаги ўсимлик экстрактига тегишли қисми ажратиб олиниб, хлороформ-метанол (95:5) эритувчилар аралашмасида элюация қилинди. Олинган элюатлар қоғоз филтр орқали чинни тавоқчага филтрланиб, қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди.



## Яшил шамшод ўсимлигининг ЮҚХ-скрининг таҳлили

Яшил шамшод ўсимлиги алкалоидларини мазкур усулда таҳлил этиш шароитларини ишлаб чиқиш учун ўсимликдан олинган экстрактнинг курук қолдиғи 5 мл этил спиртида эритиб олинди.

Хроматографик пластинкада жойлашган алкалоидларни аниқлаш мақсадида қуйидаги реактивлардан фойдаланилди: Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф, Фреде, Марки, Либерман, Зонненшейн, Майер реактивлари, концентранган сульфат кислота, темир (III) хлорид. Спиртли ажратмадан алоҳида хроматографик пластинкаларга томизиб, ҳар бир реактив пуркалди. Шунингдек 254 нм тўлқин узунлигидаги ультрабинафша нурлари остида ҳам кўрилди. Реакция натижалари 4.2-жадвалда келтирилган.

### 4.2-жадвал

#### Яшил шамшод ўсимлиги экстрактини аниқлашда қўлланилган реактивлар билан реакциялари натижалари

Т/р	Реактивлар	Реакциялар натижалари
1	Либерман	сарик ранг
2	Марки	қора-қўнғир ранг
3	Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф	қизғиш-қўнғир
4	Майер	қора қизғиш
5	Конц сульфат кислота	қорамтир
6	Темир (III) хлорид	қора-қўнғир ранг
7	Фреде	ранг бермади
8	Зонненшейн	ранг бермади
9	УБ нурлари	қизғиш-қўнғир товланиш

Олиб борилган тажрибалар ва уларнинг жадвалда келтирилган натижалари шуни кўрсатдики, қўлланилган реагентлар ва уларнинг аралашмалари орасида яшил шамшод алкалоидларини аниқлашда УБ нурлари ва Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви яхши натижа берди. Мазкур реактив хроматографик пластинкаларга пуркалганда доғларнинг чегаралари аниқ бўлиб, турғун ранг ҳосил қилди. УБ нурлари остида товланиш бериши ишни бирмунча енгиллаштирди. Бу алкалоидларни бир-биридан ажратиш мақсадида ЮҚХ-скрининг усулини қўллаш ва пластинкани реактив билан ифлослантirmай туриб, доғни аниқлаш, ҳамда тегишли зонани элюация қилиб олиш имконини беради.

Яшил шамшод ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар кимёвий тузилишида бирламчи ароматик аминок гуруҳни сақлагани сабаб азобўёқ

реакциясини олиб боришни мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунинг учун ўсимликдан олинган экстракт 5 мл этил спиртида эритилиб, эритмадан 1 мл пробиркага солинди ва унга 1 мл концентранган хлорид кислотаси қўшиб, аралашма ҳажми ярмига камайгунга қадар буғлатилди. Сўнгра аралашма совутилиб, унга натрий нитритнинг 1% эритмаси қўшилди ва β-нафтолнинг ишкорий эритмаси томчилатиб солинганда аралашма қизил рангга кирди. Ушбу азобўёқ реакциясини ҳам буксин алкалоидини юпқа қатлам хроматографияси усулида очувчи реактив сифатида тавсия этиш мақсадида хроматографик пластинкага спиртли ажратма томизилиб, сўнгра азобўёқ реактивларини кетма-кетликда томчи ҳолида томизилди ва ижобий натижа олинди.

Маълумки, хроматографик система сифатида амалиётда кўплаб куйидаги эритувчилардан фойдаланилади: хлороформ, этанол, этилацетат, ацетон, диэтилэфир ва уларнинг аралашмалари: хлороформ-ацетон (7:3), хлороформ-этанол (8:2), хлороформ-ацетон-диэтиламин (50:30:2). Ушбу хроматографик системалар ва адабиётларда келтирилган эритувчилардан ташкил топган турли аралашмаларни қўллаган ҳолда тажриба олиб борилди.

Хроматографик системалар тайёрлашдан аввал барча органик эритувчилар ҳайдаш йўли билан тозаланди.

Бир қатор хроматографик камераларга органик эритувчилар ва уларнинг турли нисбатлардаги аралашмаларидан куйилди. Хроматографик камераларни органик эритувчилар ва аралашмаларнинг парлари билан яхши тўйинишини таъминлаш мақсадида унинг деворларига тўрт томондан фильтр қоғоз тасмалар мустаҳкамлаб қўйилди. Бунда тасманинг бир учи органик эритувчилар аралашмасига тегиб туриши таъминланди. 20-25 дақиқадан сўнг хроматографик пластинкаларни камерага тезда туширилиб қопқоқлари зич ёпилди.

Хроматографик пластинкадаги органик эритувчилар аралашмаси 10 см га қўтарилганда пластинкалар камерадан олиниб, хона ҳароратида органик эритувчилар аралашмасининг ҳиди кетгунча қолдирилди. Шундай қилиб, эритувчилар фронтининг масофаси 10 см ташкил қилди.

Мазкур тартибда яна икки маротаба хроматографияланди. Ушбу пластинкалар кейинги босқичда таҳлил қилиш учун қуритилди.

Қуритилган хроматографик пластинкаларга турли реактивлар таъсир эттирилди.

Алкалоидларни ҳар иккала пластинка ва хроматографик системаларда ҳосил қилган доғларининг  $R_f$  қийматлари учта пластинкада ўлчаниб, уларнинг ўртача қийматлари ва чекланишлар олинди.

Таъкидлаш жоизки, фойдаланилган ҳар бир хроматографик системада ҳар иккала пластинкада ҳам айнан қайтарилувчан натижалар олиниб, доғларнинг ранг ёрқинлиги ва ўлчамларида кескин фарқ кузатилмади.

Алкалоидларнинг турли хроматографик системалардаги Rf қийматлари 4.3-жадвалда келтирилган.

#### 4.3-жадвал

#### Алкалоидларни турли хроматографик системалардаги Rf қийматлари

Т/р	Хроматографик система	Rf қийматлар	
		Силуфол	Силикагель
1	Ацетон	0,82±0,03	0,85±0,04
2	Этил ацетат	0,23±0,03	0,26±0,04
3	Этанол	0,12±0,03	0,15±0,04
4	Диэтил эфир	0,11±0,03	0,13±0,04
5	Этанол-диэтил эфир (8:2)	0,72±0,03	0,74±0,04
6	Хлороформ-ацетон (7:3)	0,35±0,02	0,38±0,04
7	Хлороформ-этанол (8:2)	0,90±0,03	0,95±0,02
8	хлороформ-ацетон-диэтиламин (50:30:2)	0,25±0,02	0,27±0,03
9	гексан-этилацетат (9:1)	0,71±0,02	0,69±0,02
10	этилацетат-метанол (9:1)	0,82±0,02	0,85±0,02

Ўтказилган тажрибалар яшил шамшод экстракти таркибидаги алкалоидлар юпқа қатлам хроматографияси усулида аниқлашда этанол ва диэтил эфирининг 8:2 нисбатдаги ҳамда гексан ва этилацетатнинг 9:1 нисбатдаги аралашмалари энг мўътадил эритувчилар системалари эканлигини кўрсатди.

Услубнинг сезгирлигини аниқлаш мақсадида пластинкаларга таркибида аниқ миқдорда алкалоидларни ишончли намунаси сақлайдиган эритмалардан томизилди ва юқорида келтирилган шароитларда хроматография қилинди. Бунда ҳосил бўлган фон ва доғларнинг ранги кузатилди ва Rf қийматлари аниқланди.

Изланишларнинг кейинги босқичида яшил шамшод ўсимлигидан олинган экстрактни юпқа қатлам хроматографияси усулида таҳлил қилинди. Бунинг учун этил спиртида эритилган экстрактнинг 1 мл миқдори хроматографик пластинканинг старт чизигига тўғри чизик шаклида томизилди. Сўнгра олдиндан эритувчилар системасини солиб, тўйинтирилган хроматографик колонкага пластинкани тушириб, хроматографик жараён олиб борилди. Эритувчилар системаси сифатида этанол ва диэтил эфирининг

8:2 нисбатдаги ҳамда гексан ва этилацетатнинг 9:1 нисбатдаги аралашмалари қўлланилди. Эритувчилар системаси пластинка бўйлаб кўтарилиб, 10 см га етгач, пластинкани камерадан олиб, хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра ўсимлик экстракти томизилган пластинка УБ нурлари остида кўрилди ва Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви пуркалди. Бунда буксин ва циклобуксин бир-биридан фарқли равишда пластинканинг турли қисмларида доғ ҳосил қилди. Буксин зарғалдоқ фонда қизғиш-қўнғир доғ ( $R_f=0,72$ ), циклобуксин УБ нур остида сариқ доғ сифатида кўринди ( $R_f=0,32$ ). Балласт моддалар эса пластинканинг пастки қисмида қолди.

Ўсимликдан олинган ажратмаларни тозалаб олиш мақсадида курук қолдиқ 1 мл этил спиртида эритилиб, олдиндан лаборатория шароитида тайёрланган ва фаоллаштирилган силикагелли пластинкага тўғри чизик кўринишида томизилди. Унинг ёнига таркибида аниқ миқдорда буксин алкалоидини ишончли намунаси сақлайдиган эритмадан томизилди. Юқорида танлаб олинган шароитларда хроматография ўтказилиб, тўғри чизик ҳолатида томизилган қисмини шиша пластинка ёрдамида ёпиб турган ҳолда очувчи реактив – Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви пуркалди. Доғ ҳосил бўлган зона қаршисидаги силикагель қатлами кириб олиниб, хлороформ-метанол (95:5) эритувчилар аралашмасида элюация қилинди. Олинган элюатни хона ҳароратида курук қолдиқ қолгунча буғлатилди.

#### **Кампирчопон ўсимлигининг ЮҚХ-скрининг таҳлили**

Алкалоидларнинг N-оксид формаси соф (асос) ва туз ҳолидагидек реакцияга киришмайди. Шунинг учун алкалоидларнинг N-оксид формаси аввал водород ёрдамида қайтарилиб, сўнгра таҳлил қилинади. Кампирчопон ўсимлиги таркибида алкалоидларнинг айнан шундай шаклда мавжудлиги инобатга олиниши лозим.

#### **Кампирчопон ўсимлиги алкалоидларининг қоғоз хроматография таҳлили**

Хроматографик қоғознинг (узунлиги 30-40 см, эни 12 см) «старт» чизиғига (пастки четидан 2-3 см баландлигида) капилляр найча ёки махсус томизғич ёрдамида ажратмадан 0,1 мл ҳамда алкалоидларнинг «гувоҳ» эритмаларидан бир-биридан 2 см масофада томизилди (томизилган доғнинг диаметри 5 мм дан катта бўлмаслиги керак). Томизилган ажратма ва гувоҳ эритмалар доғлари қуригандан сўнг хроматографик қоғоз бир сутка олдин н-бутанол-сирка кислота-сувнинг 5:1:4 нисбатдаги аралашмаси қуйиб қўйилган хроматографик камерага жойлаштириб (қоғозни пастки чети 5 мм суюқликка тушиб туриши керак) қўйилди.

Кўрсатилган вақт ўтгандан сўнг, хроматограмма камерадан олинди, қуритилди ва унга Драгендорф реактиви пуркалди. Натижада пластинкадан алкалоидлар сариқ фонда зарғалдоқ (тўқ сариқ) доғлар ҳолида кўринди. Доғларнинг  $R_f$  қиймати аниқланди ва ажратмадаги ҳамда гувоҳ алкалоидларнинг  $R_f$  қийматларини солиштириб кўриб, ўсимлик ажратмасида қандай алкалоидлар борлиги тўғрисида хулоса чиқарилди.

### **Алкалоидларнинг юпқа қатлам хроматография таҳлили**

КСК маркали сликагель маҳкамланган 12x9 см шиша пластинкаси ёки “Силуфол” пластинкасининг «старт» чизигига капиллар найча ёки махсус томизғич ёрдамида ўсимликдан тайёрланган ажратмадан ҳамда гувоҳ алкалоидлар эритмасидан бир-бирдан 2 см масофада 0,1 мл дан томизилди (томизилган доғларнинг диаметри 5 мм дан катта бўлмаслиги керак). Доғлар қуриганидан сўнг пластинка олдиндан хлороформ-ацетон-диэтиламин (5:4:1) эритувчилар аралашмаси (қўзғалувчи система) қуйиб қўйилган хроматографик камерага жойлаштирилди. Хроматография қилиш вақти (30-40 дақиқа) ўтгандан сўнг пластинка камерадан олинди, қуритилди ва унга Драгендорф реактиви пуркалди. Натижада ўсимликдан ажратиб олинган ва «гувоҳ» алкалоидлар сариқ фонда зарғалдоқ (тўқ сариқ) доғлар ҳолида кўринди. Доғларнинг  $R_f$  қийматлари ҳисобланди. Сўнгра ўсимлик ажралмасидаги ва гувоҳ алкалоидларнинг  $R_f$  қийматлари солиштириб кўриб, ўсимликда қандай алкалоид борлиги аниқланди.

### **Эрлих реакцияси ёрдамида алкалоидларни аниқлаш**

Эрлих реакцияси пирролизидиннинг тўйинмаган алкалоидлари учун хос реакция бўлиб, бошқа алкалоидлар у билан реакцияга киришмайди. Гепатотоксик таъсирга эга бўлган пирролизидин бирикмаларини аниқлаш учун энг самарали усул колориметрия ҳисобланади. Жараён давомида алкалоид водород пероксид ёрдамида унинг N-оксидига айлантиради. Маҳсулот сирка ангидриди билан реакцияга киришади ва пиррол унумларини (дегидро-алкалоид) ҳосил қилади, улар эса махсус модификацияланган Эрлих реактиви билан қизил бинафша ранг ҳосил қилади. Реактив таркибида бор трифторид мавжуд бўлиб, у максимал сезгирликни таъминлайди. Реакция сезгирлиги 5 мкг ташкил қилади. Агар оксидланиш босқичлари инобатга олинмаган бўлса, фақат тўйинмаган пирролизидинларнинг N-оксидларини аниқлаш мумкин.

Ушбу усулнинг содалаштирилган шакли ишлаб чиқилган бўлиб, у ўсимликнинг ҳохлаган қисми: барглари, поялари, гуллари, уруғлари ёки илдизлари учун тўғри келиши мумкин [54].

Ўсимлик маҳсулотининг сувли ажратмасидан намуна олинади. Эритма филтрланади. Натрий нитропруссиднинг 5% сувли эритмасидан 0,2 мл таҳлил учун олинган намунага солинади. Сўнгра 1 дақиқа давомида 70-80 °С гача иситилади ва Эрлих реактиви қўшилади, сўнг яна 1 дақиқа давомида иситилади. Эрлих реагенти таркиби 5 г 4-диметиламинобензальдегид, 60 мл сирка кислотасининг 10% эритмаси, 30 мл тозаланган сув ва 10 мл хлорид кислотанинг 60% эритмасидан ташкил топган. Таҳлил учун бўлган намунадаги қизил бинафша ранг пирролизидин алкалоидларининг N-оксидлари борлигини тасдиқлайди. Тажриба учун олинган намуна индол ёки пиррол унумларини сақласа, рангни ўзгартириши мумкин.

### **Индикатор бўёқлари ёрдамида аниқлаш**

Алкалоиднинг хлороформли ажратмаси нордонлаштирилган метил оранжнинг сувли эритмаси билан чайқатиб олинди. Алкалоид сариқ рангга бўялди ва сульфат кислотанинг 20% эритмаси билан хлороформ қаватидан ажратиб олинди ва спектрофотометр ёрдамида оптик зичлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган таҳлил усуллари тоза моддалар учун мўлжалланган бўлиб, биологик объектлар таркибидан алкалоидларни аниқлашда зарур шарт-шароитлар, таҳлилга таъсир этувчи омиллар ўрганилмаган. Шунинг учун арзон ва тез бажарилувчи замонавий таҳлил усулларида алкалоидларни аниқлашнинг услублари ишлаб чиқилиб, уларни биологик объект таркибидан ажратиб олинган алкалоидларни аниқлашда қўллаш зарур.

Кампирчопон ўсимлигидан ажратиб олинган экстрактни таркибидаги балласт моддалардан тозалаш ҳамда алкалоидларни бир-биридан ажратиб олиш мақсадида юпқа қатлам хроматография усулидан фойдаланилди.

Суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикология тадқиқотлари объектлари бўлмиш биологик ашёлардан олинган ажратмаларнинг ёт моддаларга бойлиги, унинг таркибида бошқа моддаларнинг мавжудлиги ва текширилувчи модданинг кам миқдорларда бўлиши таҳлил учун сезгир, юқори самарали ва хусусий услубларни ишлаб чиқишни талаб этади. Айни талабларга жавоб берадиган усуллар орасида хроматографиянинг ўрни беқиёс.

Кампирчопон ўсимлигидан юқорида кўрсатилган тартибда ажратиб олинган экстрактнинг қуруқ қолдиғини 1 мл этил спиртида эритиб олиб,



тайёрланган хроматографик пластинканинг старт чизиғига тўғри чизик шаклида томизилди. Ёнига гувоҳ эритма сифатида триходесмин ҳамда инканиннинг стандарт намуналари эритмаларидан нуқта кўринишида томизилди. Сўнгра олдиндан эритувчилар системасини солиб, тўйинтирилган хроматографик колонкага пластинкани тушириб, хроматографик жараён олиб борилди. Эритувчилар системаси сифатида хлороформ-ацетон-диэтиламин 5:4:1 нисбатдаги аралашмаси қўлланилди. Эритувчилар системаси пластинка бўйлаб кўтарилиб, 10 см га етгач, пластинкани камерадан олиб, хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра ўсимлик экстракти томизилган қисми шиша пластинка ёрдамида ёпиб турилиб, гувоҳ эритмалар томизилган қисмини Драгендорф реактиви билан пуркалди. Бунда триходесмин ва инканинга тегишли зоналарда ( $R_f=0,53$  ва  $R_f=0,61$ ) зарғалдоқ-кўнғир доғлар кўринди. Триходесмин ва инканин бир-биридан фарқли равишда пластинканинг турли қисмларида доғ ҳосил қилди. Табиийки, ўсимликдан олинган экстракт таркибидаги алкалоидлар (триходесмин ва инканин) ҳам ушбу зоналарда ажралиб чиқади. Балласт моддалар эса пластинканинг пастки қисмида қолади. Пластинкадаги ҳар бир гувоҳ модда доғ ҳосил қилган зона қаршисидаги ўсимлик экстрактига тегишли қисми ажратиб олиниб, хлороформ-метанол (95:5) эритувчилар аралашмасида элюация қилинди. Олинган элюатлар қоғоз филтр орқали чинни тавоқчага филтрланиб, қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди.

Ўтказилган тажрибаларга асосланиб, турли объектлардан, шу жумладан ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидларни дастлабки скрининги ва идентификацияси учун қўлланиладиган таҳлил услублари ишлаб чиқилди. Мазкур услубларни қўллаш орқали алкалоидларни таҳлил қилиш мумкин. Ишлаб чиқилган усуллар умумлаштирилган ҳолда 4-жадвалда келтирилди.

#### 4.4-жадвал

#### Ўрганилаётган ўсимликларнинг алкалоидлари учун тавсия этилаётган ЮҚХ-скрининг таҳлили шароитлари


Алкалоидлар	Эритувчилар системаси	Очувчи реактив	$R_f$ кўрсаткич	Элюант
Атропин	Хлороформ-ацетон-диэтиламин (50:30:2)	Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,25	Метанол-диэтиламин (9:1)
Скополамин			0,64	Метанол-аммиакнинг 25% эритмаси (9:1)

Кониин	Хлороформ-ацетон-	Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви ёки йод буғлари	0,26	Метанол-диэтиламин (9:1)
Конгидрин	диэтиламин (50:30:2)		0,68	Метанол-аммиакнинг 25% эритмаси (9:1)
Хелидонин	Н-бутанол-сирка	264 нм УБ нурлари ёки	0,53	Хлороформ-метанол (95:5)
Сангвинарин	кислота-сув (40:10:10)	Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,79	
Буксин	Этанол-диэтил эфир (8:2)	264 нм УБ нурлари ёки	0,72	
Циклобуксин	Гексан-этилацетат (9:1)	Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,32	
Триходесмин	хлороформ-ацетон-	Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,53	
Инканин	диэтиламин (5:4:1)		0,61	


### 4.3. УБ-спектрофотометрия усулининг алкалоидлар таҳлилида қўлланилиши

#### Мингдевона ва белладонна ўсимликлари алкалоидларини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили

УБ-спектрофотометрия усули нисбатан сезгирлиги паст бўлса ҳам кимё-токсикологик таҳлилларда кенг қўлланилади. Ушбу усул осон, тез бажариладиган, мураккаб жиҳоз ва тайёргарликни талаб этмайдиган усул, шунингдек барча суд-кимё лабораториялари УБ-спектрофотометр билан тўлиқ таъминланган. УБ-спектрофотометрия усулида мингдевона ва белладонна ўсимликлари билан заҳарланиш ҳолатларни аниқлаш учун тегишли ажратмалар олиниб, хроматографик тозаланди ва элюатлардан олинган қуруқ қолдиқлар 25 мл спиртда эритилиб, 200-400 нм тўлқин узунликларида оптик зичликлар ўлчанди. Бунда атропиннинг спиртдаги эритмаси 252, 254 нм тўлқин узунликлар, скополаминнинг спиртдаги эритмаси 251, 253, 263 нм тўлқин узунликларида максимал нур ютади (4.14-4.15-расм).



**4.14-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган атропин алкалоидининг УБ-спектри**




**4.15-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган скополамин алкалоидининг УБ-спектри**

Изданишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган услуб ёрдамида қон ва пешоб таркибидан мингдевона ва белладонна ўсимликлари алкалоидларини аниқланди. Бунинг учун модель объектлар қуйидагича тайёрлаб олинди: 5 мл қон ва 25 мл пешоб намуналарига ўсимлик экстрактидан 10 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, юқорида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.


Олинган натижалар сассиқ алаф ўсимлиги билан ўткир заҳарланишлар содир бўлганда унинг таркибидаги алкалоидларни хлороформ билан экстракциялаб ажратиб олиб, УБ-спектрофотометрия усулида аниқлаш мумкинлигини кўрсатди.

### **Катта қончўп ўсимлиги алкалоидларини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили**

3-усул ёрдамида катта қончўп ўсимлигидан ажратиб олинган ва хроматографик усулда элюациялаб олинган хелидонин ва сангвинарин алкалоидларининг қуруқ қолдиқлари 25 мл спиртда эритилиб, УБ-спектрофотометрик усулда таҳлили ўтказилди. Ушбу шароитда ажратиб олинган хелидонин ажратмаси 272 нм, сангвинарин ажратмаси 321 нм тўлқин узунликларида юқори нур ютиш кўтсаткичига эга эканлиги аниқланди (4.16-ва 4.17-расмлар).



**4.16-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган хелидонин алкалоидининг УБ-спектри**




**4.17-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган сангвинарин алкалоидининг УБ-спектри**

Қон ва пешобдан тайёрланган модель намуналардан ажратиб олинган алкалоидларни УБ-спектрофотометрик таҳлили ўтказилди ва ўсимлик ажратмаларидан олинган УБ-спектрларга мос натижалар олинди.

### **Сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили**

Сассиқ алаф ўсимлигидан 2-усул бўйича ажратиб олинган экстрактнинг қуруқ қолдиғи 5 мл этил спиртида эритилиб, спектрофотометрда 200-400 нм тўлқин узунликларида оптик зичлиги ўлчанди. Бунда ўсимликдан ажратиб олинган конииин алкалоиди 266 нм тўлқин узунлигида максимум нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди (4.18-расм).



#### **4.18-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган конииин алкалоидининг УБ-спектри**


Изланишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган услуб ёрдамида қон ва пешоб таркибидан сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидларини аниқланди. Бунинг учун модель объектлар қуйидагича тайёрлаб олинди: 5 мл қон ва 25 мл пешоб намуналарига ўсимлик экстрактдан 10 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, юқорида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Олинган натижалар сассиқ алаф ўсимлиги билан ўткир заҳарланишлар содир бўлганда унинг таркибидаги алкалоидларни хлороформ билан экстракция ёрдамида ажратиб олиб, УБ-спектрофотометрия усулида аниқлаш мумкинлигини кўрсатди.

### **Яшил шамшод ўсимлиги алкалоидини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили**

УБ-спектрофотометрия усулида таҳлил шароитларини ишлаб чиқиш мақсадида яшил шамшод ўсимлигидан 2-усул бўйича ажратиб олинган экстрактнинг қуруқ қолдиғи 5 мл этил спиртида эритилиб, спектрофотометрда 200-400 нм тўлқин узунликларида оптик зичлиги ўлчанди. Бунда ўсимликдан ажратиб олинган буксин алкалоиди 268 нм

тўлқин узунлигида максимум нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди (4.19-расм).



**4.19-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган буксин алкалоидининг УБ-спектри**

Изданишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган услубнинг қон ва пешоб таркибидан яшил шамшод ўсимлиги алкалоидларини аниқлаш учун тажрибалар олиб борилди. Бунинг учун модель объектлар тайёрлаб олинди: 5 мл қонга ажратиб олинган ўсимлик экстрактидан 10 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, юқорида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Қуруқ қолдиқ 1 мл этанолда эритилиб, юқорида келтирилган ЮҚХ усулида хроматографияланиб, элюат олинди. Олинган элюат хона ҳароратида қуритилиб, 5 мл этил спиртида эритилди ва 268 нм тўлқин узунлигида оптик кўрсаткичи аниқланди.

Пешоб модель намунасини тайёрлаш учун унинг 25 мл ҳажмига ажратиб олинган ўсимлик экстрактидан 10 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, 3.2-бўлимда келтирилган усулда экстракция олиб борилди.


Қуруқ қолдиқ 1 мл этанолда эритилиб, 4.2-бўлимда келтирилган юпқа қатлам хроматография усулида тозаланди. Олинган элюат хона ҳароратида қуритилиб, 5 мл этил спиртида эритилди ва 268 нм тўлқин узунлигида оптик зичлиги аниқланди.

Олинган натижалар яшил шамшод ўсимлиги билан ўткир захарланишлар содир бўлганда унинг таркибидаги алкалоидларни хлороформ билан экстракция ёрдамида ажратиб олиб, хроматоспектрофотометрия усулида аниқлаш мумкинлигини кўрсатди.



## **Кампирчопон ўсимлиги алкалоидини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили**

УБ-спектрофотометрия усулида таҳлил шароитларини ишлаб чиқиш мақсадида кампирчопон ўсимлигидан ажратиб олинган экстрактнинг қурук қолдиғи 5 мл этил спиртида эритилиб, спектрофотометрнинг 200-400 нм тўлқин узунликларида оптик зичлиги ўлчанди. Бунда ўсимликдан ажратиб олинган триходесмин алкалоиди 223 нм тўлқин узунлигида максимум нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги маълум бўлди (4.20-расм).



### **4.20-расм. Кампирчопон ўсимлиги экстрактининг УБ-спектри**

Изданишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган услуб ёрдамида қон ва пешоб таркибидан кампирчопон ўсимлиги алкалоидларини аниқланди. Бунинг учун модель объектлар қуйидагича тайёрлаб олинди: 5 мл қон ва 25 мл пешоб намуналарига ўсимлик экстрактдан 10 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, 3.2-бўлимда келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Олинган натижалар кампирчопон ўсимлиги билан ўткир заҳарланишлар содир бўлганда унинг таркибидаги алкалоидларни хлороформ билан экстракция усулида ажратиб олиб, УБ-спектрофотометрия усулида аниқлаш мумкинлигини кўрсатди.

### **4.4. ГХ-МС усули алкалоидларни аниқлашнинг замонавий усули**

Замонавий таҳлил усулларида кимё-токсикологик таҳлилларни олиб боришда кўп ҳолларда стандарт моддаларнинг лабораторияларда мавжуд бўлмаслиги тижилларни ўз вақтида ўтказилишида қийинчилик туғдиради. Кейинги босқичдаги таҳлил усулларини қўллаш мақсадида ўсимликлардан


олинган ажратмалар 4.2 бўлимда кўрсатилган шароитларда ЮҚХ усулида тозаланди ва ҳар бир элюатнинг ГХ-МС усулида таҳлили ўтказилди. Бунда элюация қилиб олинган ажратмалар айнан қайси алкалоидга тегишли эканлиги аниқлаб олинди. Олинган натижалар ЮССХ ва ТДСИС усуллари учун ўсимликлар ажратмаларидан олинган элюатларини ташқи стандарт сифатида қўллаш имконини беради.

### Сассиқ алаф ўсимлиги экстракти таҳлили


Сассиқ алафдан олинган экстракт газ-хромато-масс-спектрофотометрия усулида таҳлил қилинди.

Бунинг учун масс-селектив детекторли GC-MS/HP 6890 (Hewlett-Packard, АҚШ) асбобидан фойдаланилди. Асбоб узунлиги 30 м ва ички диаметри 0,25 мм бўлган капилляр колонка (Agilent Technologies, США) билан таъминланган. Таҳлиллар қуйидаги шароитларда олиб борилди: инжектор ва детектор ҳарорати - 280°C, колонка термостатининг бошланғич ҳарорати - 120°C дан 310°C гача 10°C/дақиқа тезликда қиздириб борилди. Таҳлил учун инжекторга сассиқ алаф экстрактининг спиртли эритмаси 1 мкл ҳажмда киритилди ва хроматографияланди.

Олинган хроматограмма ва масс-спектрларда қатор хроматографик чўққилар ҳамда массани зарядларга нисбат қийматларининг спектрлари ҳосил бўлди. Ушбу хроматографик чўққилар ва масс-спектрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 13.95 дақиқа ушланиш вақтида ҳосил бўлган чўққи ва унга мос масс-спектрларнинг 98, 84, 82, 80, 56, 43, 41 m/z масса зарядларига эга бўлган ион бўлаклари кониинга хос эканлигини кўрсатди (4.21,4.22-расмлар).




4.21-расм. Сассиқ алаф ўсимлиги экстрактининг хроматограммаси



#### 4.22-расм. Кониин алкалоидининг масс-спектрлари

Қолган хроматографик чўққилар ва мос келган масс-спектрларининг интерпретация қилиш натижасида уларнинг конгидрин ва колхицин моддалари эканлигини аниқланди (4.23-расм). Кониин, конгидрин ва колхицинларнинг хроматографик чўққиларининг юзаси ва мос келувчи масс-спектрларнинг интенсивликларининг қийматлари уларнинг ўсимликдаги миқдорларига мос келишини кўрсатди.




#### 4.23-расм. Конгидрин алкалоидининг масс-спектрлари

### Катта қончўп ўсимлиги таҳлили


Изланишларнинг кейинги босқичида катта қончўп ўсимлиги экстракти газ-хромато-масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлиллари амалга оширилди.

Бунинг учун масс-селектив детекторли GC-MS/HP 6890 (Hewlett-Packard, АҚШ) асбобидан фойдаланилди. Асбоб узунлиги 30 м ва ички диаметри 0,25 мм бўлган капилляр колонка (Agilent Technologies, США) билан таъминланган. Таҳлиллар куйидаги шароитларда олиб борилди: инжектор ва детектор ҳарорати - 280°C, колонка термостатининг бошланғич ҳарорати - 120°C дан 310°C гача 10°C/дақиқа тезликда қиздириб борилди. Таҳлил учун инжекторга катта қон чўп ўсимлиги экстрактининг спиртли эритмаси 1 мкл ҳажмда киритилди ва хроматографияланди.

Олинган хроматограмма ва масс-спектрларда қатор хроматографик чўққилар ҳамда массани зарядларга нисбат қийматларининг спектрлари ҳосил бўлди. Ушбу хроматографик чўққилар ва масс-спектрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 19,62 дақиқа ушланиш вақтида ҳосил бўлган чўққи ва унга мос масс-спектрларнинг 57, 104, 149, 150, 162, 176 m/z масса зарядларига эга бўлган ион бўлаклари хелидонинга хос эканлигини кўрсатди (4.24,4.25-расмлар).



4.24-расм. Катта қончўп ўсимлиги экстрактининг хроматограммаси



#### 4.25-расм. Хелидонин алкалоидининг масс-спектрлари

Қолган хроматографик чўққилар ва мос келган масс-спектрларининг интерпретация қилиш натижасида уларнинг сангвинарин ва бошқа моддалари эканлигини кўрсатди. Хелидониннинг хроматографик чўққиларининг юзаси ва мос келувчи масс-спектрларнинг интенсивликларининг қийматлари уларнинг ўсимликдаги миқдорларига мос келишини кўрсатди.

Юқорида келтирилган хроматограмма ва масс-спектрлар катта қончўп ўсимлигидан олинган экстракт таркибидаги алкалоидларни газ-хромато-масс-спектрометрия усулида таҳлил қилиш мумкинлигини кўрсатди. Ўзбекистонда ўсувчи катта қончўп ўсимлигининг таркибидаги алкалоидларни экстракция қилиб олинди.

Ажратиб олинган экстрактни ГХ-МС усулида таҳлил шароитлари ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар интерпретация қилиниб, асосий чўққи хелидонин алкалоидига хослиги аниқланди.

#### Яшил шамшод ва кампирчопон ўсимликлари экстрактлари таҳлили

Яшил шамшод ва кампирчопон ўсимликлари экстрактларининг ГХ-МС таҳлиллари Х.Сулаймонова номидаги Республика Суд экспертиза Маркази


лабораториясида олиб борилди. Намуналарни «Agilent Technology» GC 6890 газ-хромато-масс-спектрометрида таҳлили ўтказилди. Ушбу хромато-масс-спектрометр 5973N масс-селектив детектор билан таъминланган бўлиб, 30мх0,25ммх0,5мкм ўлчамдаги капиляр колонкага эга. Колонка фенилметилсилоксаннинг диметилсилоксандаги 5% эритмаси шимдирилган кўзгалмас фаза билан тўлдирилган.

Таҳлил шароитлари: инжектор ҳарорати - 280°C, масс-спектр манбаининг ҳарорати - 230 °C, MS квадроуполь - 180 °C, колонка термостатининг ҳароратини дастурлашда бошланғич ҳарорат 80 °C, 2 дақиқа дан сўнг 270 °C гача ҳарорат 10 °C /мин тезлиги кўтарилади, кўзгалувчи фаза - гелий, оқим тезлиги 1 мл/мин, намуна миқдори 5 мкл, намунани юбориш тартиби оқимни бўлмаган ҳолда олиб борилади.

Олинган хроматограммаларнинг таҳлили NIST11.L, W10N11\_Full.L, Wiley275.L. маълумотлар базасидаги чўққиларга солиштириш орқали амалга оширилди. Ҳар бир хроматографик чўққи интерпретацияси амалга оширилганда триходесмин ва инканинга хос фрагментлар аниқланди.


Ҳар иккала усулда олинган ажратмалар таркибидаги алкалоидлар хроматограммалар алоҳида-алоҳида олинганда хлороформли ажратма яхши натижаларни кўрсатди (1-усул). Унда ўсимлик таркибидаги ҳар бир моддаларга хос хроматографик чўққилар аниқ ва бир биридан ажралган ҳолда кўринган (4.26, 4.27-расмлар).

Спиртли ажратмада эса (2-усул) ноаниқ чўққилар кўп ҳосил бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда изланишларнинг кейинги босқичида 1-усул ёрдамида ажратма олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.




4.26-расм. Яшил шамшод ўсимлигидан олинган хлороформли экстрактнинг хроматограммаси






4.27-расм. Кампирчопон ўсимлигидан олинган хлороформли экстрактнинг хроматограммаси

Биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган буксин алкалоиди учун ҳам ушбу шароитда таҳлиллар олиб борилди ва мос равишда натижалар олинди (4.28-4.29-расмлар).




4.28-расм. Қондан ажратиб олинган буксин хроматограммаси




4.29-расм. Пешобдан ажратиб олинган буксин хроматограммаси

Ушбу шароитда биологик суюқликлардан 3.2-бўлимда келтирилган шароитларда ажратиб олинган триходесмин элюатларининг спектрлари олинди.



4.30-расм. Қондан ажратиб олинган триходесмин хроматограммаси



#### 4.31-расм. Пешобдан ажратиб олинган триходесмин хроматограммаси

Олиб борилган таҳлиллар натижасида ўсимликлардан ажратиб олинган элюатлардаги моддалар алкалоидларга тегишли экани аниқланди. Кимё-токсикологик текширувларда стандарт моддалар бўлмаган ҳолларда юқоридаги ўсимлик элюатларини ишончли ишчи стандарт намунаси сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

#### 4.5. Алкалоидлар таҳлилида ЮССХ усулининг ўрни

ЮССХ таҳлил усули бир қанча афзалликларга эга усул бўлиб, ҳозирги кунда барча назорат аналитик лабораторияларнинг асосий таҳлил усулларида ҳисобланади. Масалан, усул мураккаб таркибли аралашмалар таркибидаги юқори ҳарорат таъсирида парчаланадиган моддаларни хона ва унга яқин бўлган ҳароратларда аниқлаш имконини беради. ЮССХ усулида таҳлил қилиш тезкор ҳисобланади, чунки мураккаб аралашмаларни бир-биридан ажратиш учун бир неча дақиқа етарли. Бунда бир вақтнинг ўзида аралашма ҳолидаги моддаларни бир-биридан ажратиш, уларнинг чинлигини аниқлаш ва миқдорий таҳлил ўтказиш мумкин. Услубнинг афзалликларини инобатга олган ҳолда изланишларимиз давомида ЮССХ усулида ўрганилаётган ўсимликларни таҳлил қилиш шароитлари ишлаб чиқилди.

## **Мингдевона ва белладонна ўсимликлари алкалоидларининг ЮССХ таҳлил усули**

Тажрибалар Американинг “Agilent Technologies” корхонасида ишлаб чиқарилган “Agilent 1100 series” русумли юқори самарали сууюқлик хроматографида олиб борилди. Асбоб юқори босимда ишлашга мўлжалланган тўрт каналли градиент типигаги насос, 190-600 нм тўлқин узунликларида таҳлил ўтказувчи спектрофотометрик детектор, кўзғалувчи фаза таркибидаги газларни йўқотувчи қурилма, 20 мкл ҳажмли ўлчов ускуна – “Rheodyne” инжектори ва хроматографик колонкадан ташкил топган. Асбоб тўлалигича “Chemstation A.09.03” дастури ёрдамида компьютер орқали бошқарилади.

ЮССХда кўзғалувчи фаза таркибини танлашда одатда иккита эритувчилардан фойдаланган ҳолда иш олиб борилади. Бунда биринчи эритма сифатида сув ёки рН кўрсаткичи маълум қийматга келтирилган буфер эритмалар олиниб, иккинчи эритувчи сифатида сув билан аралашадиган органик эритувчи танланади. Кўп ҳолларда органик эритувчи сифатида метанол, ацетонитрил ёки этанол қўлланилади. Кўзғалувчи фаза рН кўрсаткичининг кислотали бўлиши таркибида гидроксил, карбоксил каби кутбли гуруҳлар сақловчи моддаларни хроматографик колонкада узок ушланиб қолишининг олдини олиши билан бирга, ҳосил бўлаётган хроматографик чўққи кенглигининг торайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мураккаб аралашмалар таркибидаги моддаларни бир-биридан яхшироқ ажратиш имконини беради.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, кўзғалувчи фаза компонентлари сифатида ацетонитрил ва рН кўрсаткичи 3,5 га келтирилган 10 ммоль/л фосфатли буфердан фойдаланилди. Фосфатли буфер эритмаси қуйидагича тайёрланди: 0,680 г калий дигидрофосфат тузи 500 мл ҳажмли колбага солинди ва тозаланган сувда эритилди ҳамда белгисигача тозаланган сув билан етказилди. Эритманинг рН муҳити фосфат кислотанинг 25% эритмаси билан 3,5 га етказилди. Ўсимликларнинг таркибидаги изланаётган алкалоидларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда изократик ёки градиент режимда иш олиб борилди.


Изланишлар натижасида мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди.

-хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x75 мм;


- кўзғалувчи фаза: ацетонитрил (А) –  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  10 мМ эритмаси ва 1% изопропанол 50:50 нисбатдаги аралашмаси (Б) (рН=3,5);

- градиент: 0 дақ: А-10%, Б-90%;  
0-20 дақ: А-60%, Б-40%;  
25 дақ: А-90%, Б-10%
- қўзғалувчи фаза сарфи 0,5 мл/дақ;
- детектор УБ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 254 нм.

Таҳлил давомийлиги 15 дақиқа. Ушбу шароитларда атропин ва скополамин стандарт намуналари эритмаларининг таҳлили олиб борилганда атропиннинг ушланиш вақти 4,5 дақиқани, скополаминики эса 2,5 дақиқани ташкил қилди (4.32-4.33-расмлар).




**4.32-расм. Атропин стандарт намунаси эритмасининг хроматограммаси**




**4.33-расм. Скополамин стандарт намунаси эритмасининг хроматограммаси**

Ишлаб чиқилган таҳлил шароитларида қора мингдевона ва оддий белладонна ўсимликларидан ажратиб олинган экстрактлар таҳлил қилинди. Бунда ҳар бир элюат текширилганда тегишли равишда стандарт намуналар эритмаларига ўхшаш хроматограммалар олинди (4.34- ва 4.35-расмлар).



**4.34-расм. Қора мингдевона ва белладонна ўсимликлари экстрактларидан олинган атропин элюатининг хроматограммаси**



**4.35-расм. Қора мингдевона ва белладонна ўсимликлари экстрактларидан олинган скополамин элюатининг хроматограммаси**

Расмда келтирилган хроматограммалардан кўриниб турибдики, тавсия этилаётган шароитларда ўсимликлар таркибидаги алкалоидлар бир-биридан ажратган ҳолда аниқлаш мумкин. Шунингдек балласт моддалар уларни таҳлил қилишга ҳалақит бермайди.

Кимё-токсикологик текширишлар олиб бориш учун асосий ашёвий далил сифатида биологик суюқликлар (қон, пешоб ва ошқозон чайинди сувлари) ва биологик объектлар (мурда ички аъзолари) олинади. Ўрганилаётган




ўсимликлар билан захарланиш ҳолатлари юз берганда беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун экспресс таҳлиллар олиб бориш зарур.


Биологик суюқликлар таркибидан захарли моддани ажратиб олиш учун модел объектлар тайёрлаб олинди.

Қон моделларини тайёрлаш учун 5 мл қон намуналарига 100 мкг/мл атропин сақлаган эритмадан 1 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Шунингдек, скополамин учун ҳам шундай модел эритмалар тайёрланди. Кўрсатилган вақт ўтгач, экстракция олиб борилди. Олинган экстрактлардан органик эритувчилар парлатиб юборилди.

Қуруқ қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, хроматографик усулда тозаланди. ЮҚХ усулда тозалаш натижасида ажратиб олинган элюатлар қоғоз филтър ёрдамида филтърланиб, филтратлар қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқлар 100 мкл юқорида келтирилган мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди (4.36-,4.37-расм).




**4.36-расм. Қондан ажратиб олинган атропин хроматограммаси**




**4.37-расм. Қондан ажратиб олинган скополамин хроматограммаси**

Пешоб моделларини тайёрлаш учун 25 мл пешоб намуналарига 100 мкг/мл атропин сақлаган эритмадан 1 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Шунингдек, скополамин учун ҳам шундай модел эритмалар тайёрланди. Кўрсатилган вақт ўтгач, экстракция олиб борилди. Экстрактлардан эритувчилар тўлиқ учириб юборилди.

Қуруқ қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, хроматографик тозалаш олиб борилди. ЮҚХ тозалаш натижасида ажратиб олинган элюатлар қоғоз филтёр ёрдамида филтёрланиб, филтёрлатлар қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқлар 100 мкл мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди (4.38-,4.39-расм). Қон ва пешоб таркибидаги алкалоидларнинг миқдори аввал ишлаб чиқилган калибрлаш графиги ёрдамида аниқланди ва олинган натижалар статистик қайта ишланди (4.5-,4.6-жадвал).



**4.38-расм. Пешобдан ажратиб олинган атропин хроматограммаси**



**4.39-расм. Пешобдан ажратиб олинган скополамин хроматограммаси**

## 4.5-жадвал

## Атропинни қон ва пешобдан экстракциялаб олиш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>ҚОН</b>		
60,3	60,3	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =59,50; S <sup>2</sup> =0,4250; S=0,6519; S <sub>x</sub> =0,2915; ΔX=0,0248; Δ X <sub>ўр</sub> =0,011 E=3,045%; ε=1,36%
59,4	59,4	
58,7	58,7	
60,0	60,0	
59,1	59,1	
<b>ПЕШОБ</b>		
74,8	74,8	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =75,06; S <sup>2</sup> =1,4930; S=1,2218; S <sub>x</sub> =1,5464; ΔX=3,3968; Δ X <sub>ўр</sub> =1,5191 E=4,525%; ε=2,023%
75,7	75,7	
76,3	76,3	
74,1	74,1	
75,4	75,4	

## 4.6-жадвал

## Скополаминни қон ва пешобдан экстракциялаб олиш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>ҚОН</b>		
50,3	50,3	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =49,56; S <sup>2</sup> =2,025; S=0,5530; S <sub>x</sub> =0,3325; ΔX=1,6515; Δ X <sub>ўр</sub> =0,7386 E=4,17%; ε=1,86%
49,4	49,4	
48,4	48,4	
50,2	50,2	
49,6	49,6	
<b>ПЕШОБ</b>		
73,8	73,8	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =72,86; S <sup>2</sup> =0,4230; S=0,6504; S <sub>x</sub> =0,2908; ΔX=1,6515; Δ X <sub>ўр</sub> =0,7386 E=2,48%; ε=1,11%
74,7	74,7	
73,3	73,3	
72,1	72,1	
72,4	72,4	

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу таҳлил шароитларида қон таркибидаги атропинни 59,50%, скополаминни эса 49,56% миқдорда ажратиб олиб, уни 1,02% ва 1,86% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин. Келтирилган шароитларда пешоб таркибидан атропинни 75,06%, скополаминни эса 72,86% миқдорда ажратиб олиб, уни 0,97% ва 1,11% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин.

Ушбу олинган натижалар тавсия этилаётган услубнинг қора мингдевона ва оддий белладонна алкалоидлари билан ўткир захарланиш ҳолатлари юз берган вақтда уни биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олишга қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

Ўрганилаётган алкалоидларни биологик ашё намуналаридан ажратиб олиш ва таҳлилга тайёрлаш учун ҳайвон ички аъзоларидан олинган намуналарни (майдаланган жигар) 100 г тортиб олиб, конуссимон колбаларга солинди. Уларга 100 мкг/мл алкалоид сақлаган спиртли эритмадан 1 млдан солиниб, яхшилаб аралаштирилди ва спирти учиб кетгунча хона шароитида қолдирилди. Сўнгра идишларнинг оғзи ёпилиб, 24 соатга хона ҳароратида қолдирилди. Биологик объектлардан алкалоидларни ажратиб олиш учун келтирилган тартибда тажриба олиб борилди. Қуруқ қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, хроматографик тозалаш олиб борилди. ЮҚХ тозалаш натижасида ажратиб олинган элюатлар филтрланиб, қуруқ қолдиқлар қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқларни 100 мкл мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди.

Биологик объектлар таркибидаги ўрганилаётган алкалоидлар миқдори калибрлаш графиги асосида аниқланди. Олинган натижалар таҳлил қилиниб, статистик қайта ишлаб чиқилди (4.7-жадвал).

#### 4.7-жадвал

#### Атропинни ва скополаминни биологик объект таркибида аниқлаш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>АТРОПИН</b>		
49,5	49,5	f=4; T (95%, 4)=2,78; X <sub>ўр</sub> =50,54; S <sup>2</sup> =1,2527; S=1,1193; S <sub>x</sub> =0,5005; ΔX=3,1115; X <sub>ўр</sub> =1,3915; E=6,15%; ε=2,75%
49,25	49,25	
51,51	51,51	
50,75	50,75	
51,68	51,68	
<b>СКОПОЛАМИН</b>		
47,50	47,50	f=4; T (95%, 4)=2,78; X <sub>ўр</sub> =47,14; S <sup>2</sup> =0,2455; S=0,4955; S <sub>x</sub> =0,2216; ΔX=3,1115; X <sub>ўр</sub> =1,3915; E=2,92%; ε=1,31%
47,25	47,25	
46,51	46,51	
46,75	46,75	
47,68	47,68	


Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу таҳлил шароитларида биологик ашё таркибидаги атропинни 50,54%, скополаминни эса 47,14% миқдорда ажратиб олиб, уни 2,75% ва 1,31% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин.

#### Катта қончўп ўсимлиги алкалоидларининг ЮССХ таҳлил усули


Катта қончўп ўсимлиги алкалоидлари таҳлили учун ЮССХ усулида таҳлилнинг мўътадил шароити сифатида қуйидагилар танланди.

- хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C – 18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 3x150 мм;
- қўзғалувчи фаза: ацетонитрил–  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  (pH=7,4) 10 мМ эритмаси 50:50 нисбатдаги аралашмаси; изократик элюент;
- қўзғалувчи фаза сарфи 0,4 мл/дақ;
- ҳарорат 30 °С
- детектор УБ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 280 нм.

Таҳлил давомийлиги 50 дақиқа. Ушбу шароитларда ўсимликдан олинган ажратма таҳлили олиб борилганда хелидонин учун ушланиш вақти 43,4 сангвинарин учун эса 27,5 ни ташкил қилди.




**4.40-расм. Катта қончўп ўсимлигидан олинган ажратма хроматограммаси (сангвинарин элюати)**




**4.41-расм. Катта қончўп ўсимлигидан олинган ажратма хроматограммаси (хелидонин элюати)**


Таҳлил шароитларини биосуюқликлар таркибидан ажратиб олинган катта қончўп алкалоидларини аниқлашда қўллаш мақсадида қон ва пешобдан модел намуналар тайёрланиб, юқорида келтирилган шароитда экстракция қилинди. Экстрактлар ЮҚХ усулида тозаланди. Олинган элюатлар алоҳида-алоҳида 1 г сувсизлантирилган натрий сульфат тузи сақлаган қоғоз филтрлар ёрдамида филтрланди. Филтратлар куруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқлар 100 мкл юқорида келтирилган мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди. Шунингдек ушбу жараён биологик объект учун ҳам қўлланилди. Натижалар қуйидаги 4.42-4.45-расмлар ва 4.8-4.10-жадвалларда келтирилган.




**4.42-расм. Қондан ажратиб олинган сангвинарин хроматограммаси**



**4.43-расм. Қондан ажратиб олинган хелидонин хроматограммаси**



**4.44-расм. Пешобдан ажратиб олинган сангвинарин хроматограммаси**



**4.45-расм. Пешобдан ажратиб олинган хелидонин хроматограммаси**

**4.8-жадвал**

**Хелидонинни қон ва пешобдан экстракциялаб олиш натижалари**

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
МКГ	%	
<b>ҚОН</b>		
43,9	43,9	$f=4$ , $T(95\%,4)=2,78$ , $X_{cp}=45,12$ $S^2=2,0250$ $S=1,423$ , $S_x =0,6364$ , $\Delta X=3,9560$ , $\Delta X_{cp}=1,7692$ $E=8,77\%$ , $\varepsilon= 3,92\%$
46,8	46,8	
46,2	46,2	
45,1	45,1	
43,5	43,5	
<b>ПЕШОБ</b>		
64,3	64,3	$f=4$ , $T(95\%,4)=2,78$ , $X_{cp}=67,23$ , $S^2=4,600$ $S=2,1448$ , $S_x =0,9592$ , $\Delta X=5,9624$ , $\Delta X_{cp}=2,6665$ $E=8,87\%$ , $\varepsilon= 3,97\%$
66,9	66,9	
68,2	68,2	
70,1	70,1	
66,5	66,5	



## 4.9-жадвал

## Сангвинаринни қон ва пешобдан экстракциялаб олиш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>ҚОН</b>		
58,05	58,05	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =58,78; S <sup>2</sup> =2,1006 S=1,4493; S <sub>x</sub> =0,6481; ΔX=0,3571; Δ X <sub>ўр</sub> =0,1483 E=6,85%; ε=3,06%
58,89	58,89	
59,85	59,85	
56,75	56,75	
60,39	60,39	
<b>ПЕШОБ</b>		
71,08	71,08	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =72,03; S <sup>2</sup> =5,0521; S=2,2476; S <sub>x</sub> =1,0051; ΔX=0,2723; Δ X <sub>ўр</sub> =0,1604 E=8,67%; ε=3,88%
73,94	73,94	
74,80	74,80	
70,90	70,90	
69,44	69,44	

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу таҳлил шароитларида қон таркибидаги хелидонинни 45,12%, сангвинаринни эса 58,78% миқдорда ажратиб олиб, уни 3,92% ва 3,06% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин. Келтирилган шароитларда пешоб таркибидан хелидонинни 67,23%, сангвинаринни эса 72,03% миқдорда ажратиб олиб, уни 3,97% ва 3,88% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин.

## 4.10-жадвал

## Хелидонин ва сангвинаринни биологик объектдан экстракциялаб олиш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>Хелидонин</b>		
49,12	49,12	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =47,92; S <sup>2</sup> =2,0152; S=1,4195; S <sub>x</sub> =0,6348; ΔX=0,0600; Δ X <sub>ўр</sub> =0,0636 E=8,23%; ε=3,68%
48,94	48,94	
48,81	48,81	
46,29	46,29	
46,46	46,46	
<b>Сангвинарин</b>		
46,04	46,04	f=4; T(95%,4)=2,78 X <sub>ўр</sub> =48,17; S <sup>2</sup> =4,0546; S=2,0136; S <sub>x</sub> =0,9005; ΔX=0,1787; Δ X <sub>ўр</sub> =0,1914 E=11,62%; ε=5,19%
46,88	46,88	
49,84	49,84	
49,74	49,74	
47,38	47,38	

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу таҳлил шароитларида биологик объект таркибидаги хелидонинни 47,92% миқдорда,

сангвинаринни эса 48,17% миқдорда ажратиб олиб, уни 3,68% ва 5,19% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин.

### **Сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидларининг ЮССХ таҳлил усули**

Сассиқ алаф ўсимлигининг захарланишга сабабчи бўладиган асосий алкалоиди бўлган конииинни ЮССХ усулида таҳлил қилиш учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:

- хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x75 мм;

- қўзғалувчи фаза: ацетонитрил (А) –  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  10 мМ эритмаси ва изопропанол 1% эритмасининг 50:50 нисбатдаги аралашмаси (Б) (рН=3,5);

- градиент: 0 дақ: А-10%, Б-90%;

0-20 дақ: А-60%, Б-40%;

25 дақ: А-90%, Б-10%


- қўзғалувчи фаза сарфи 0,5 мл/дақ;

- детектор УБ-спектрофотометр;

- детекторлаш тўлқин узунлиги 266 нм.

Таҳлил давомийлиги 25 дақиқа.

Ушбу шароитларда ўсимликдан ажратиб олинган элюат таҳлили олиб борилганда конииин учун ушланиш вақти 10,1 дақиқани ташкил қилди (4.46-расм).




**4.46-расм. Сассиқ алаф ўсимлигидан олинган экстрактнинг хроматограммаси**

Расмда келтирилган хроматограммадан кўришиб турибдики, тавсия этилаётган шароитларда ўсимлик таркибидаги ажратиб олинган алкалоидни

элюация қилиб олган ҳолда аниқлаш мумкин. Шунингдек балласт моддалар уларни хроматографик ажралишига ҳалақит бермайди.

Изланишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган усул ёрдамида кон ва пешоб таркибидан ажратиб олинган сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидларини аниқланди. Бунинг учун 5 та модель объектлар тайёрлаб олинди. Ҳар 5 мл қонга 100 мкг/мл кониин сақлаган эритмадан 1 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач, юқорида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.


Экстрактларни ЮҚХ усулида тозалаш натижасида ажратиб олинган элюатлар 1 г сувсизлантирилган натрий сульфат тузи сақлаган қоғоз филтрлар ёрдамида филтрланди. Филтратлар қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқлар 100 мкл юқорида келтирилган мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди (4.47-расм).



**4.47-расм. Қондан ажратиб олинган кониин хроматограммаси**

Изланишларимиз давомида модель намуналар тайёрлаш учун ҳар 25 мл пешобга 100 мкг/мл кониин сақлаган эритмадан 1 мл қўшиб, аралаштирилди ва 24 соатга қолдирилди. Кўрсатилган вақт ўтгач юқорида келтирилган усулда экстракция олиб борилди.

Экстрактларни ЮҚХ тозалаш натижасида ажратиб олинган элюатлар 1 г сувсизлантирилган натрий сульфат тузи сақлаган қоғоз филтрлар ёрдамида филтрланди. Филтратлар қуруқ қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилди. Қуруқ қолдиқлар 100 мкл мобил фазада эритилиб, ЮССХ усулида таҳлили олиб борилди (4.48-расм).



4.48-расм. Пешобдан ажратиб олинган кониин хроматограммаси

4.11-жадвал

Кониинни қон, пешоб ва биологик объектдан экстракциялаб олиш натижалари

Аниқланган миқдор		Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш
мкг	%	
<b>ҚОН</b>		
56,12	56,12	$f=4; T(95\%,4)=2,78$ $X_{\bar{y}p}=55,12; S^2=1,7942;$ $S=1,3395; S_x=0,5990;$ $\Delta X=0,5382; \Delta X_{\bar{y}p}=0,0397$ $E=6,75\%; \varepsilon=3,02\%$
56,25	56,25	
54,74	54,74	
55,54	55,54	
52,98	52,98	
<b>ПЕШОБ</b>		
77,24	77,24	$f=4; T(95\%,4)=2,78$ $X_{\bar{y}p}=76,31; S^2=0,3103;$ $S=0,5570; S_x=0,2491;$ $\Delta X=0,0992; \Delta X_{\bar{y}p}=0,6312$ $E=2,03\%; \varepsilon=0,91\%$
76,35	76,35	
75,97	75,97	
75,83	75,83	
76,14	76,14	
<b>ЖИГАР</b>		
45,23	45,23	$f=4; T(95\%,4)=2,78$ $X_{\bar{y}p}=43,97; S^2=1,5226;$ $S=1,2339; S_x=0,5518;$ $\Delta X=0,2145; \Delta X_{\bar{y}p}=0,7246$ $E=7,80\%; \varepsilon=3,49\%$
45,36	45,36	
42,89	42,89	
42,91	42,91	
43,44	43,44	

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу таҳлил шароитларида қон таркибидаги кониинни 55,12%, пешоб таркибидан 76,31%, биологик объект таркибидан 43,97% миқдорда ажратиб олиб, уни мос равишда 3,02%, 0,91 ва 3,49% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкин.


## Яшил шамшод ўсимлиги алкалоидларининг ЮССХ таҳлил усули

Буксин алкалоиди таҳлили учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:

- хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x250 мм;
- қўзғалувчи фаза: метанол–  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  10 мМ эритмасининг 50:50 нисбатдаги аралашмаси (pH=3,5);
- қўзғалувчи фаза сарфи 1,0 мл/дақ;
- детектор УБ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 268 нм.


Таҳлил давомийлиги 40 дақиқа.

Ушбу шароитларда яшил шамшод ўсимлигидан ажратиб олинган ва хроматографик тозаланган ажратма таҳлили олиб борилганда буксин учун ушланиш вақти 28,5 дақиқани ташкил қилди (4.49-расм).




**4.49-расм. Яшил шамшод ўсимлигидан олинган экстракт хроматограммаси**

Усулнинг биообъектларга тадбиқини ўрганиш мақсадида биологик суюқликлар (қон ва пешоб)дан модел объектлар тайёрлаб, 3.2-бўлимда келтирилган тартибда алкалоид ажратиб олинди ва 4.2-бўлимда келтирилган услубда тегишли равишда тозалаб олинди. Биологик объект сифатида жигардан фойдаланилди. Ундан алкалоидни 3.3-бўлимда келтирилган тартибда ажратиб олинди ва ЮҚХ усулида тозаланди. Биосуюқликлар ва биологик объектдан ажратиб олинган ажратмалар ушбу шароитда таҳлил қилинганда буксин алкалоидининг ушланиш вақти 28,5 ни ташкил этди. Натижалар 4.50-4.51-расм ва 4.12-жадвалда келтирилган.



4.50-расм. Қондан ажратиб олинган буксин хроматограммаси



4.51-расм. Пешобдан ажратиб олинган буксин хроматограммаси

4.12-жадвал

